ҲАР КИМ САВОБ ИШ ҚИЛСИН, ҲАР КУН САВОБ ИШ ҚИЛСИН!

MAHALLA

Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

№ 90-91 (222-223) | 2000 йил 13 декабр, чоршанба | Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган | Сотувда эркин нархда

ЙЎЛЛАРИМИЗ ВА ЙИЛЛАРИМИЗ ҲАМОҲАНГДИР

Ҳа, мустақил юртимиз ҳаётининг ҳар бир йили келажак йўли тимсолидир. Ҳар бир йилнинг юртимиз ҳаёт тарзи, ривожи эътиборга олиниб номланиши ва шу асосда йил давомида шу мақсадга қаратилган тадбирлар йўлга қўйилиши, амалда тадбиқ этилиши истиқлол йиллари билан истиқлол йўллари ҳамоҳанглиги белгисидир.

Ҳар йили 8 декабрда Асосий Қонунимиз - Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни катта тантана билан байрам қилинар экан, айни пайтда бизга янги йилнинг мамлакатимиз, халқимиз ҳаётидаги ўрнини ҳам белгилаб берувчи лаҳзаларни ҳам ҳадя этиши одатга айланди. Шу онларда биз Юртбошимизнинг Янги йилдаги йўлимизни танлаб, таъкидлаб беришларини мамнуният ила кутишга одатландик. Ва бу одат - оддий одат эмасдирки, у бизнинг бир йил давомида келажак йўлимизга қўшадиган ҳиссамизга дахлдордир. Ушбу соғлом авлод йилининг Ватан, халқ ҳаётидаги беқиёс ўрни ва шу йилги вазифаларнинг давомига ишора сифатида Янги йилнинг мустақиллик тақазо этаётган тарзда Оналар ва болалар йили деб аталиши пойдевори мустаҳкамланиб бораётган келажагимизнинг ёрқинлигига ишорадир.

ШУ СОНДАГИ

2-саҳифасида:

- Уларнинг ниятлари қора, ғоялари ёлғон, шунинг учун ҳам уларнинг фаолияти дунёнинг кўп мамлакатларида таъқиқланган.
- Экинзорни пайҳон қилиш - дастурхонимизга беписандлик эмасми?
- «Тезюрар»нинг «кўпйиғар»дан фарқи нимада?
- Президент арчаси — энг баланд арча.

3-саҳифасида:

- Пайғамбаримиз болаларни нега суяр эдилар?
- Мусахон ака рўйхатида янги қариялар пайдо бўлди.
- «...хайрли ишни ҳаяллатманг, ўғлим».
- Оқсоқоллик қандай касб?

4-саҳифасида:

- «Қиёмат қарз» Шукур Бурхон учун ёзилганми?
- Кечки овқат маҳали. Бувининг кайфияти йўқ...
- Яхши куёв - топилма!

Шухрат ЖАЛИЛОВ

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ - ҚАЛБИМИЗ ДАРЧАСИ

Мамлакатимизда ҳар йили Янги йилни Президент арчаси атрофида кутиб олиш анъанага айланиб бормоқда. Бу тадбирда ҳар йили Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси бош-қошлик қилмоқда.

Айни шу кунларда Янги асрнинг дастлабки йили кириб келиши муносабати билан бўладиган Президент арчасига қизғин ҳозирлик кетаётганлигини жамғармада бўлган одам дарров сезиб олади.

Хўш, бу йилги Президент арчаси қандай ўтади?

- Албатта, ҳар йилгидан ҳам янада яхшироқ ўтади, - дейди суҳбатдошимиз Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси Республика Бошқаруви раиси Шуҳрат Илҳомович ЖАЛИЛОВ.

Қуйида мухбиримизнинг шу суҳбатини ҳавола этамиз.

- Бу нафақат анъана, балки халқимизнинг меҳр-оқибатлилиги, мурувватлилиги, саховатпешалиги каби хислатларидан келиб чиқиб, Юртбошимизнинг мамлакатимизнинг кам даромадли оилаларда, Меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган, умуман, ҳаётда меҳр-мурувватга муҳтож бўлган фарзандларни Янги йилда кўнглини кўтариш, уларнинг мамлакатимизда ҳеч бир боладан кам эмаслигини қалбига сингдиришга бағишланган меҳр-оқибатлиликнинг яққол кўринишидир. Бугунги кунга келиб бу тадбир шу даражада оммалашдики, шу даражада ҳаётийлик кашф этдики, буни ҳар йили Янги йил яқинлашиши биланоқ мамлакатимизнинг ҳар бир бурчагидан Президент арчасига илҳақлик, соғиниш ҳисси билан тўлиб-тошган муносабатлар бўлаётганидан сезиш мумкин. Бундай муносабат билдираётганлар кимлар? Булар аввало шу тадбирдан баҳраманд бўлган болалар, Меҳрибонлик уйлари раҳбарлари ва тадбирдан баҳрамандлик туйғусидан бахтиёр болаларнинг қувончини кўриб ҳис қилган одамларимиздир. Айниқса, ўз нашримиз саналган "Mahalla" газетасида ва телереклама орқали Янги йил арчаси ҳақида гап кетиши билан бизнинг қўнғироқларимиз тинмаяпти.

(Давоми 2-бетда.)

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси тўртинчи сессияси 2000 йил 14 декабрь куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 13 декабрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар ва 14 декабрь куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

13 декабрь куни Олий Мажлисда соат 12.00 да: «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг, «Миллий тикланиш» демократик партияси фракциясининг, Фидокорлар миллий демократик партияси фракциясининг ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг ҳамда соат 14.30 да - ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилишлари бўлиб ўтади.

ҲАМКОРЛИК

ТАКЛИФЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Шу кунларда Ўзбекистонда бўлиб, фаолият кўрсатаётган Осиё Тараққиёти банки «Кам таъминланган оилалар сонини камайтириш» ҳудудий лойиҳасини тайёрлаш бўйича техник ҳамкорлик миссияси аъзолари куни кеча Ўзбекистон Оқсоқоллар Кенгаши, «Маҳалла» жамғармаси Республика Бошқарувида бўлиб, ўз режалари билан ҳамкорлик қилиш доирасида мулоқот ўтказдилар.

Мулоқот чоғида кенгаш ва Бошқарув раиси Ш.Жалилов мазкур ҳудудий лойиҳа бўйича маҳаллалар доирасидаги имкониятлар хусусида изоҳ берди. Суҳбат чоғида мазкур мақсадга қаратилган Дастур координатори Л.Андриано, Дастур Департаменти ходими Ю.Коджима, мутахассис А.Бауэрлар маҳаллалар билан бу борада ишлашнинг молиявий йўналишларида ҳам ўз таклиф ва кўмаклари бўлишини айтдилар.

Ўз мухбиримиз.

ҚАЛБ АМРИ

ОҚСОҚОЛЛИК ҲАМ МАРОҚЛИ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТЛИ

Очерк

Маҳаллага оқсоқол бўлиш Аминбойнинг хаёлига ҳам келмаганди. Унинг фикри ота йўлидан бориб, ошпазлик ёки нонвойлик касбини эгаллаш, «Хўб ширин қўл-да», деган шарафга мушарраф бўлиш эди.

Ота эса ўғлида касбига муҳаббат уйғота олганидан ич-ичидан қувонарди. Фақат кўпни кўрган, эл орасида юрган, Абдураҳмон отанинг маслаҳати оддий бўлди:

- Болам ошпаз бўлиш ниятингдан бошим кўкка етди. Барака топ, ота рози - Худо рози, дейдилар. Мингдан-минг розиман. Фақат, менинг ҳам бир орзуим бор. Ўқиб, ошпазларнинг илмлиси бўлсанг...

Ота маслаҳати билан, Тошкент кооператив техникумини, Хоразм Давлат университетини тамомлаган Аминбой Абдураҳмонов мактабда устозлик қила бошлади. Унинг ўқитувчилик фаолиятидан мактаб жамоаси ҳам, туман, шаҳар, вилоят маориф мутасаддилари ҳам хурсанд эдилар. У ташаббускорлигидан, ўқитувчиларни дарсга қизиқтириб, ўзига мафтун этаолганидан, ахлоқ-одобга ўрганаётганидан қониққан ота-оналарнинг ҳурмати беқиёс эди.

(Давоми 3-бетда.)

ЖАЗО:

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ҚАРОРИ БИЛАН

Ғаллазорларнинг пайҳон қилинишига йўл қўйганлиги учун пайҳон қилган моллар ушланиб, эгасига нисбатан жазо чораси сифатида сўйилиб, болалар боғчаси, қариялар уйи, кам таъминланган оилаларга улашилмоқда.

Ғаллазорлар чорва моллари туёғи остида ва қишлоқ хўжалик техникалари орқали нобуд бўлмаслигига катта аҳамият қаратилган.

Ички ишлар ходимлари томонидан экин майдонларини 240 дан зиёд пайҳон қилиш ҳоллари аниқланиб, фуқароларга тегишли бўлган 1250 та ва хўжалик раҳбарларига тегишли бўлган 755 бош қорамол ушланди. Шулардан 27 таси туманлар ҳокимиятлари томонидан тузилган комиссия раҳбарлигида жазо чораси сифатида сўйилиб гўшти махсус мактаб, қариялар уйи, болалар боғчалари ва кам таъминланган оилаларга тарқатилди. Фуқароларимизнинг бефарқлиги, мол тушса тушибдида, у бир жонвор бўлса дея панжа орасидан қараётганлиги эса кескин чоралар кўрилишига сабаб бўлаётир. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси Тахтакўпир тумани Ўзбекистон ширкат хўжалигида яшовчи ва ишловчи Сарсенбой Жолимбетовнинг 29 бош оти шу хўжаликнинг ярим гектар ғалла майдонини бутунлай пайҳон қилиб, 120 минг 160 сўм миқдорида моддий зарар келтиргани учун Алғабас қишлоқ фуқаролар йиғини қарорига асосан унинг 1 бош оти сўйилиб, кам таъминланган оилаларга тарқатилди.

Шунингдек Жиззах вилояти Дўстлик тумани «Оқ олтин» ширкатлар бирлашмасида яшовчи ва ишловчи Б.Нуралиевнинг ҳам 2 бош қорамоли 0,50 сотих экин майдонини пайҳон қилиб, хўжаликка 50 минг 905 сўмлик зарар етказганлиги аниқланиб, Қаҳрамон қишлоқ фуқаролар йиғини қарорига асосан унинг битта қорамоли сўйилиб, 57 килограмм гўшт тумандаги «Лола» ва «Қуёшча» болалар боғчасига топширилди.

(Давоми 2-бетда.)

Шамсиддин ЖАМШИДИЙ

ШАЙТОНИ ЛАЪИН ВАСВАСАСИ

МАНҚУРТЛИК ИЛДИЗЛАРИ

ёки махфий ҳаракат тарихидан

Ўрта Осиё аҳолисининг кўпчилигини мусулмонлар ташкил этадиган ҳудуд ҳисобланади. Ушбу ҳудуд жуда катта ресурсларга эга эканлиги кўпчиликка аён. Бундан ташқари, Ўрта Осиё, жумладан Ўзбекистон, Ғарбу Шарқни, икки цивилизацияни туташтирувчи геополитик ҳудуддир. Асримизнинг 80-йилларидан турли миссионерлик ҳаракатлари ўз манфаатларини кўзлаган ҳолда ушбу минтақада аҳоли дунёқарашини ўзгартиришга, ўз таъсир доираларига тортишга урина бошладилар. Мана шу йиллари «Ҳизбут-таҳрир» («Озодлик партияси») деб ном олган фаолияти дунёнинг кўп мамлакатларида таъқиқланган диний-сиёсий ташкилот, Муҳаммад ибн Абдул-Ваҳҳоб таълимотига асосланган ваҳҳобийлик оқимлари собиқ Совет Иттифоқи таркибидаги республикалар ҳудудига пинҳона суръатда кириб кела бошлади.

Собиқ Иттифоқи тарқаб кетгач ва ёш республикалар ўз давлат мустақилликларига эришгандан сўнг, ушбу давлатлар ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам улкан ижобий ўзгаришлар рўй бера бошлади. Совет мафкураси барҳам топгач, қарийб етмиш йил давомида ўз маънавий меросларидан маҳрум қилинган ёш республикалар мафкуравий бўшлиқда қолдилар. Бундай ҳолат кўпдан буён Ўрта Осиёдаги республикаларни ўз таъсир доирасига олиш истагида юрган давлатларга жуда қўл келди. Натижада бундай «имконият» ва «имтиёз»лардан «Ҳизбут-таҳрир» диний-сиёсий ташкилоти, ваҳҳобийлик оқимлари ўзларининг ғаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб, Қирғизистон, Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон республикаларида турли тартибсизликлар келтириб чиқаришга урина бошладилар. Бундан ташқари, Ўрта Осиё ҳудудида зиддият келтириб чиқаришдан, уруш оловини ёқиб, моддий манфаати доирасини кенгайтиришдан, хусусан наркобизнес ва қурол-яроқ сотиш орқали фойда топишдан манфаатдор кучлар мавжуд. Зеро, бу ерда тинчлик ва барқарорлик устивор бўлса, улар инқирозга учрайди, наркотик моддаларни четга олиб чиқиш анча қийинлашади. Бу эса шундай жиноий ишлар орқали «мўмай» даромад топаётган кучлар фаолиятига кескин зарба бўлиб тушади.

Ўтган йилнинг 16 февралида Тошкентда содир этилган террорчилик актлари, Қирғизистон жанубидаги воқеалар, бу йил Андижон вилоятининг Избоскан тумани Пойтуғ шаҳри, Сурхондарё вилоятининг Узун ва Сариосиё туманлари ва Тошкент вилоятида содир этилган жиноятлар дин ниқоби остида терроризм ва диний ақидапарастликнинг таъсири кучаяётганидан дарак бермоқда.

«... Бугунги кунда халқаро майдонда «совуқ уруш» кўринишлари ўрнини бир-бири билан бирлашиб, тобора кенг қўламли ва ҳужумкор моҳият касб этаётган ашаддий миллатчилик ва сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм каби иллатлар эгаллаётганини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ».

И.КАРИМОВ.

Сўнгги йилларда, айниқса, «Ҳизбут-таҳрир» диний-сиёсий ташкилоти фаолиятининг кучайгани кузатилмоқда. Ушбу ташкилотнинг пайдо бўлиши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволларига берган жавобларида шундай деган эди: «Бугун бизда мавжуд маълумотлар ва шу диний-экстремистик ҳаракатларнинг қўлга тушган баъзи бир маҳаллий «доҳийлари» берган кўрсатма ва иқрорларига кўра, бу оқимлар юртимизда кечагина эмас, балки 80-йиллардан илдиз ота бошлаган. Уларнинг ортида айрим чет эл мамлакатларида жойлашган, бизни ўз таъсирига олмоқчи бўлган марказлар турган. Ўша марказларнинг тузоғига илиниб, уларнинг садақалари ҳисобидан тирикчилик қилган ва шундан манфаат кўрган бу маҳаллий «доҳийлар» ўз фаолиятини юртимизда ўта махфий ва пинҳона тарзда олиб борган.»

Ривоятларда айтилишича, Шайтон ўтдан яратилган жинлар тоифасидан бири эди. Аммо, унинг Одам Атони йўлдан оздириш мақсадида қилган ҳаракатидан ғазабланган Яратган Шайтонни лаънатлади. Шундан буён беватан Шайтони лаъин Яратганнинг гўзал мавжудоти - Инсонни тўғри йўлдан оздириш, уни тавқи-лаънатга дучор этиш мақсадида одамларни залолатга, жаҳолатга ундайди. Сохта ғоялар таъсирида ўз киндик қони тўкилган Ватани, ота-онаси, ўзлигини унутаёзган баъзи бир ўшлар худди мана шу беватан шайтони лаъинлар васвасасига учмоқдалар. «Ҳизбут-таҳрир» ташкилоти ҳам мана шундай шайтоний васвасани ёшлар онгига сингдиришга уринаётганлардан биридир.

(Давоми 2-бетда.)

«MAHALLA» ХАФТА БЎЛДИ

МАҲАЛЛА БИЛАН ИШИ ЙЎҚ ШОИР

Биз, «Mahalla» газетаси таҳририяти ходимлари газета эл минбари, ҳамма учун ошкора мулоқот манбаи бўлишини истаймиз. Айни пайтда эл олдига тушиб юрувчи одамларимиз ҳам газетамиз орқали муштарийларнинг меҳмони бўлиб турса деймиз. Шу мақсадда эл ардоқлаган шоиру ёзувчилар, санъаткору фан арбоблари, маҳалла фидойилари билан суҳбатлар уюштириб борамиз. Минг афсуски, бугунги суҳбатга чорлаган таниқли шоир акамизнинг жавобларидан сўнг «Mahalla»чилар энди меҳмонни ўйлашиб танлашга қарор қилишди. «Маҳалла билан ишим йўқ» деб гўшакни қўйган ўша шоир акамизнинг гаплари оғир ботди. Бизку бу шоир акамизни ўзлари айтганларидек, «тинч қўйиб» ўз ишимизга шўнгиб кетдик. Газетамиз ҳам ўз меҳмонини топади. Аммо ният қиламизки, бир кун келиб шоиримизнинг маҳалла билан ишлари бўлиб қолса...

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00123-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатувчи» ҳиссадорлик жамияти

Таҳририят манзили: Тошкент, Буюк Турон кўчаси,41-уй

Телефонлар: Хатлар бўлими: 136-53-75, масъул котиб: 136-53-75 ижодий бўлимлар — 136-53-82, Қабулхона — 136-53-93, Тел/Факс: — 133-44-25.

Мақола ва хабарлар мазмуни, факт ва рақамлар учун муаллифлар масъулдирлар.

E-mail:mahalla@gazeta.silk.org

ВАСВАСАГА КИМЛАР УЧАДИ? АРЧАДА ЯЙРАНГ. СУРАТДА: МАҲАЛЛА УЧЛИГИ. ТЕЗ ЮРМАЙДИ, КЎП ЙИҒАДИ.

2000 йил 13 декабр
№ 90-91 (222-223)

ШАЙТОНИ ЛАЪИН ВАСВАСАСИ

(Боши 1-бетда.)

«Ҳизбут-таҳрир» ўз ғояларини «ислом» пардасига ўраб берар экан, аввало, «ягона Халифа байроғи остида» қурилажак исломий давлатгина, «оламда ёлғиз ягона инсониятни бошқаришга яроқлидир» («Ҳизбут-таҳрир» варақаси, 24 апрел 2000 йил) деган фикрни илгари суради. «Ҳизбут-таҳрир» мафкурасига кўра, гўё, фақат ислом давлати барпо қилинсагина жаҳондаги барча муаммолар бир лаҳзада ҳал этилади, бир кунда барча очларнинг қорни тўйиб, ҳўрланган ва ҳақоратланганлар ҳуқуқлари тикланади, Ер юзи жаннатга айланади қўяди. Асосий пуч бўлган, қуруқ хом хаёлдан бошқа нарса бўлмаган бундай «гўзал пардаларга» ўралган ғоялар инсоният тарихидан бехабар, дунёқараши шаклланиб улгурмаган ғўр, энди ўсиб улғаяётган ўсмир ёшлар учун жуда ҳам жозибали кўринади. Аслида эса, тарихдан маълумки, бутун инсониятга тенглик, тўқлик ваъда қилган барча инқилобий ўзгаришлар, урушлар неча миллионлаб инсонлар ёстиғини қуритиб, улар бошига ғам-кулфат, азоб-уқубат келтирган, холос.

«Ҳизбут-таҳрир» қандай қилиб очларнинг қорнини тўйдирмоқчи эканлигини фараз қилиш қийин эмас. Албатта, мулк эгаси бор мол-мулкини икки қўллаб уларга топширади, фақат шу ҳолдагина у ўлимдан қутулиб қолиши мумкин ёки жуда нари борса уни бирор узоқ юртга сургун қилишар. Аммо, мулк эгаси «Ҳизбут-таҳрир»чиларнинг талабига кўнмаса-чи, у ҳолда улар бечора мулкдор билан пачакилашиб ўтирмайдилар, уни халқнинг кўз олдида «исломий давлат душмани» дея шартта отиб ташлашади. Хўш, «Ҳизбут-таҳрир» мулкдорнинг мол-мулкини тортиб ҳам олди дейлик. Энди мол-мулкка ким эгалик қилади? Барпо қилинадиган ислом давлатидаги халифами ёки унинг ноибими ёки исломий жангариларми? Агар халифа ёки ноиб мол-мулкка эгалик қиладиган бўлса, демак, барча бойлик халифа ёки ноибнинг чўнтагига бориб тушаверади, натижада ўрта асрлардаги шоҳлик даврига қайтилади. Мол-мулкка исломий жангарилар эгалик қила бошладилар дейлик, унда бутун машғулоти ўқ отиш-у одам ўлдиришдан бошқа нарсани билмайдилар исломий жангарилар молмулкни кўпайтира оладими? Эгасиз бўлган мол-мулк ўз-ўзидан кўпаядими? Буларнинг барчаси сизга биргина мафкурага бўйсундирилган шўролар замони, бутун мол-мулки тортиб олиниб, ўзи қулоқ қилинганлар, дўконлар олдида эртадан-кечгача турган узундан-узоқ навбатлар, коммунизмда барчанинг тўкин ва бадастур яшаши ҳақида тўқилган эртакларни эслатмаётибдими?

2000 йил 6 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бошчилигида файласуф, тарихчи, сиёсатшунос, социолог, психолог, педагог ва адабиётшунос олимлар, журналистлар, таниқли адиблар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида миллий мафкура масалаларига бағишлаб ўтказилган йиғилишни «Ҳизбут-таҳрир» мафкурачилари ўз манфаатларига мослаб ўзгартирган ҳолда, Ўзбекистон Президентининг нутқини бутунлай тескари томондан тақдим этади. Жумладан, «Ҳизбут-таҳрир» мафкурачилари Ўзбекистон Президентининг нутқи бир-бирига зид мағлубона сўзлар билан тўлган, деб даъво қилишади.

Ушбу йиғилиш Ўзбекистон телевидениеси орқали тўлалигича намойиш этилди. Демакки, Президентнинг нутқида бирор бир «мағлубона» сўзлар йўқлигига уни кўрган ва эшитган 25 миллионлик аҳоли гувоҳ. Аслида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов зиёлиларнинг, ижодкор ходимларнинг миллий ғояни яратиш борасидаги суст-кашликларига ҳамда жамоатчилигимизнинг маълум бир қисми ҳали ҳам ушбу жараёндан узоқда турганига ўз таҳдиди муносабатини билдирди, холос. Ўзбекистон Президенти ўз миллий ғоясига таянмаган жамият инқирозга дучор бўлиши, ўз йўлини йўқотиб қўйиши муқаррарлиги ҳақида яна бир огоҳлантирди.

Ватанпарвар, соғлом тафаккурга эга зиёлилар, жамоатчилик вакиллари Ўзбекистонда миллий мафкурани ривожлантириш борасида олиб борилиши зарур бўлган ишлар ҳақида фикр алмашиб, ушбу йиғилиш натижаси ўлароқ Ўзбекистон Президентининг ташаббуси билан миллий мафкура концепциясини тайёрлаш гуруҳи тузилди.

«ДЕМОКРАТИЯ КУФР НИЗОМИ»

ёки шайтони лаъин мафкурасининг баъзи бир томонлари

«Ҳизбут-таҳрир» диний-сиёсий ташкилоти матбуотнинг жамият ҳаётидаги роли ва фаолиятини юқори баҳолайди. Жумладан, «Ал-ваъй» журналида матбуотнинг ўрни ҳақида шундай сатрлар бор: «Халифалик соясидаги матбуот ҳар бир мамлакатдагидек, жамиятнинг истак ва йўналишларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлади... Матбуот уммат мабда*сидан ажраладиган бўлса, у уммат душманларига ишловчи матбуотга айланади («Ал-ваъй» журнали, 1998 йил, 133-сон, 27-бет).

«Ҳизбут-таҳрир» диний-сиёсий ташкилоти ўзининг матбуот нашрларига эга бўлиб, экстремистик руҳдаги китоблар, рисолалар, бюллетенлар ва варақалар ниҳоятда махфий суратда нашр этилиб, пинҳона тарқатиб турилади.

Бундай бузғунчи йўналишдаги адабиётлар Ўзбекистон Республикасига «Ҳизбут-таҳрир» эмиссарлари томонидан 1992 йилдан яширинча олиб келина бошланди. Мана шундай адабиётлардан бири - Тақийюддин Набаҳоний томонидан битилган «Ҳизбут-таҳрир тушунчалари» китобини таҳлил қилиб кўрайлик.

«Ҳизбут-таҳрир» ўз олдига сиёсий мақсадларни қўйган партиядир. Бу ҳақда Тақийюддин Набаҳоний шундай ёзади: «Ҳизбут-таҳрир» Исломий ҳизб бўлгани ҳолда, сиёсий ҳизбдир. У сиёсат билан шуғулланади. У руҳий уюшма, ахлоқий уюшма, илмий уюшма, таълимий уюшма ва шу каби уюшмалардан бўлмаслиги, балки сиёсий уюшма бўлиши керак» («Ҳизбут-таҳрир» тушунчалари», 93-бет).

«Ҳизбут-таҳрир» раҳбарлари томонидан партиянинг сиёсийлиги тан олинган ҳолда, сиёсий курашдан кўзда тутилган мақсад ошкор этилади: «Бу фақат сиёсатга ёки ёлғиз ҳокимиятнинг ўзига даъват қилишни англатмайди, балки Исломга ва Исломни татбиқ қиладиган ҳамда унинг даъватини олиб борадиган Исломий Давлатни вужудга келтириш учун мукаммал ҳолдаги ҳокимиятга эришиш йўлида сиёсий курашга даъват қилишни англатади» («Ҳизбут-таҳрир» тушунчалари», 92-93-бетлар).

Демак, юқоридаги фикрдан кўринадики, «Ҳизбут-таҳрир»нинг асосий мақсадларидан бири «Ҳокимиятга эришишдир». Хўш, у ҳокимиятга тинч йўл билан, демократик қоида ва тартиблар асосида эришмоқчими ёки зўравонликлар йўли билан ҳокимиятни қўлга олмоқчими? Буни аниқлаш мақсадида яна Тақийюддин Набаҳонийнинг фикрларига мурожаат этайлик:

«Сиёсий кураш, шунингдек ажнабий фикрий етакчиликни таг-томири билан қўпориб (ўз ғояларини зўрлик йўли билан одамларга сингдириш - (таъкид меники) ташлашни ҳамда исломий нуқтаи назарга зид бўлган ажнабий маорифларни улоқтиришни (уларнинг ғояларини қабул қилмаганларни йўқ қилиш, ўлдириш - (таъкид меники) талаб қилади» («Ҳизбут-таҳрир» тушунчалари», 97-бет).

«Қўпориш», «улоқтириш» сўзлари «Ҳизбут-таҳрир» «ҳокимиятга эришиш» мақсадида фойдаланадиган террористик ва инқилобий, яъни инсонлар қонини тўкиш орқали бориладиган одамкушлик йўлини бироз «пардалаб» турибди. Аслида эса бу йўл коммунистлар ҳокимиятга эришган дастлабки йиллари муваффақият билан қўллаган «қизил террор», зўравонлик йўлидир.

«Ҳизбут-таҳрир» адабиётларини таҳлилларидан шу нарса кўринадики, ушбу адабиётлардаги асосий ғоя - уюшган ва бошқариш тизими ишлаб чиқилган ҳаёлий «Халифат»ни қуриш учун курашнинг зарурлиги ва қурилажак давлатнинг афзалликларига ўқувчини ишонтиришдир. Ушбу адабиётларнинг барчаси сиёсийлашган исломни тарғиб этади, фуқароларни бўйсунмасликка ва нигилистик руҳга ундайди, диний мутаассибликни кучайтиришга хизмат қилади, шунингдек, амалдаги конституциявий тузумни ағдариш ва ислом давлатини қуришга қаратилган аниқ таклифларни ўзида мужассам этган.

«Ҳизбут-таҳрир» варақалари матни кучли ташвиқот элементларидан ташкил топган бўлиб, араб дунёсининг асосий душманлари Ғарб давлатлари, Исроил ва АҚШ кўрсатмаларига амал қилиб гўёки диндорлар ҳуқуқларини поймол этаётган давлат раҳбарияти шаънига қарата тўқилган, ҳеч бир асосга эга бўлмаган туҳматлардан иборат бўлади.

«Ҳизбут-таҳрир» ўз фаолияти самарадорлигини ошириш, одамларни қўзғаш мақсадида ҳар бир воқеадан ўз манфаати йўлида фойдаланишга уринади. Бу ҳақда «Ҳизбут-таҳрир» нашри бўлмиш «Ал-ваъй» журналида шундай маслаҳат берилади:

«Одамлар билан алоқаларга киришишдан аввал ҳизб томонидан кучли ва таъсирли динамик фикрлар ишлатилиши зарур. Бу иш ҳукмни ўз воқеасига тушириш ва уни асослари билан боғлаш орқали амалга ошади. Бу эса даъватчидан ҳар бир янгилик билан бирга бўлишни тақозо этади. Чунки фақат тўхтовсиз фикрлар билангина одамларни қўзғаш, уларнинг эътиборини тортиш, диққат марказини ҳаяжонга солиш, уларнинг ишончларини қозониш мумкин» («Ал-ваъй» журнали, 1998 йил, 133-сон, 10-бет).

«Ҳизбут-таҳрир» мафкурачилари расмий ҳукуматга қарши қаратилган бўҳтон ва туҳматларни бўрттириш орқали ёшларнинг онгига таъсир этишга ва диндорларни жунбушга келтиришга, уларда ҳокимият идораларига, Президентга нисбатан ишончсизлик ва ғазаб ҳисларини уйғотишга ҳаракат қиладилар.

«Ҳизбут-таҳрир» ташкилотига тааллуқли, юқорида номлари тилга олиб ўтилган адабиётлар таҳлили улар «Ҳизбут-таҳрир» манфаати йўлида диндорларнинг онгига таъсир этишга қаратилганини кўрсатмоқда. Ушбу китоблар, рисолалар ва варақалар сиёсий жиҳатдан малакали мутахассислар - радикал ислом мафкурачилари томонидан тайёрланаётгани шубҳасиздир.

БЕВАТАН ШАЙТОНЛАР

ёки ватанпарварлик туйғусининг «қолоқлик» белгиси эканлиги ҳақида

Тарғибот (даъват) партия фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Тарғибот оғзаки ва босма шаклларда, шунингдек, овоз ёзиш ва тасвирга олиш техник воситаларидан уйғун равишда фойдаланиш орқали ҳам амалга оширилади.

Овоз ёзиш ва тасвирга олиш техник воситаларидан фойдаланиб тайёрланган аудио ва видеокассеталар «Ҳизбут-таҳрир»га хайрихоҳ ёшлар, дунёқараши ривожланмаган динга хайрихоҳ кишилар ўртасида тарқатилади. Уларда реал воқелик, у ёки бу воқеа-ҳодисага муносабат асосан «Ҳизбут-таҳрир» ташкилоти нуқтаи назаридан, унинг фойдасини кўзлаб ёритилади. Бунда ташкилот томонидан кенг қўлланиладиган туҳмат ва ёлғондан фойдаланиб, кишини эҳтиросга солган ҳолда унинг онгига таъсир этишга ҳаракат қилинади.

«Ҳизбут-таҳрир» аъзолари тарғибот-ташвиқот ишларини олиб боришда «Ҳизбут-таҳрир»нинг матбуот нашрларига таянадилар. Жумладан, Тақийюддин Набаҳонийнинг «Ислом низоми» китобидаги боблардан бирида ташкилотнинг фикрий етакчилиги исломга асосланиши хусусида сўз боради. Муаллиф исломнинг фикрий етакчилигини исботлаш мақсадида шундай ёзади: «Фикр саёзлашиб борган сари Ватан, ватанпарварлик тушунчалари пайдо бўла бошлайди. Бунинг боиси шундаки, одамлар бир жойда яшаб у ерга мустаҳкам ўрнашиб қолгач, яшаш учун курашиш туйғуси (инстинкти) ўзини мудофаа қилишга ва ўз навбатида улар яшаб турган шаҳарни ҳам, оёқлари остидаги ерни ҳам ҳимоя қилишга мажбур қилади. Мана шундан ватандошлик алоқалари пайдо бўлади, бу эса энг таъсирсиз (кучсиз) алоқа ва қолоқ муносабатдир» («Ислом низоми», 34-бет).

Бизга яхши маълумки, муаллиф фикр юритаётган яшаш учун кураш туйғуси (инстинкти) ибтидоий жамоа даврида яшаган, онги тараққий этмаган одамга хос хусусиятдир. Аммо, муаллиф «энг таъсирсиз алоқа ва қолоқ муносабат» деб тақдим этишга уринган ватанпарварлик тушунчаси ўз навбатида инсоният тараққиёти учун хизмат этган. Чунки инсоният тараққиётини белгиловчи барча оламшумул кашфиётлар ўзи «яшаб турган шаҳарни, оёқлари остидаги ерни ҳимоя қилиш» мақсадидагина тарихнинг турли асрларида инсонлар томонидан яратилган.

Муаллифнинг ана шундай сохта, илмий хулосаларга асосланмаган фикрлари фақат ислом таълимоти даражасида илм олган, дунёвий фанларни чуқур ўзлаштирмаган, инсоният тарихи ҳақида кенг билимга эга бўлмаган, дунёқараши тараққий этмаган ёшларни, динга муккасидан кетган мутаассиб диндорларни «Ҳизбут-таҳрир» ғояларига тарғиб этишда жуда қўл келади.

Муаллиф ўз Ватани, тарихи, ота-боболари ўтмишини унутган «манқурт»ларни тарбиялаш борасидаги ғоясини давом эттириб шундай ёзади: «Шунга кўра Ватанга тааллуқли бўлган ватанпарварлик деб аталадиган алоқа - муносабатнинг нотўғри эканлигининг учта сабаби бор.

Биринчидан: Ватанпарварлик алоқалари қолоқ муносабат бўлиб, уйғониш ва юксалиш йўлига қадам қўйилган чоғда инсонларни бир-бирига боғлаб туришда ҳеч қандай фойда бермайди.

Иккинчидан: Бу алоқа воситаси ҳиссиётга тааллуқли бўлган отифий* хусусиятга эга бўлиб, ўз жонини ҳимоя қилиш, мудофаа қилиш йўлида «яшаш учун курашиш» туйғусидан келиб чиқади.

Ҳиссиётга тааллуқли бўлган отифий алоқа воситалари доимо ўзгартириб, алмаштириб юбориш мумкин бўлган яроқсиз воситалардир, шунинг учун ҳам инсонларни доимий бир-бирига боғлаб туриш учун ярамайди.

Учинчидан: Ватанпарварлик алоқалари мулофааланиш, ҳимояланиш ҳолатидагина вужудга келадиган муваққат алоқа воситасидир, аммо тинчлик ва барқарорлик ҳолатларида эса (асосан инсон ҳаётининг аслий ҳолати шундан иборат) унга зарурат йўқ.

Шунинг учун ҳам бундай беқарор, вақтинчалик алоқа воситаси инсон фарзандларини ўзаро боғлайдиган алоқа воситаси бўлишга ярамайди». («Ислом Низоми», 35-36 бетлар).

Ислом динидан ўз ғаразли мақсади йўлида фойдаланаётган «Ҳизбут-таҳрир» диний-сиёсий ташкилоти учун юқоридаги концепция айни муддао ҳисобланади. Чунки, исломга эътиқод қўйган ҳар бир мусулмон - ўзбекми, олмонми, ҳиндми, арабми, туркми, русми ёки молдаван, яъни қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъий назар, барча инсонларга ато этилган энг муқаддас фазилатга, Оллоҳни таниш фазилатига эга. Аммо, ушбу мусулмонлар ўз киндик қонлари тўкилган Ватанга, аждодлари ўтмишига бўлган муҳаббатни қўнгилларида маҳкам тутиб, она-юрт истиқлоли, фарзандлар камолоти йўлида меҳнат қиладилар.

«Ҳизбут-таҳрир» мафкурачилари истаганларидек мусулмонларда «вақтинчалик ва беқарор алоқа воситаси ҳисобланмиш ватанпарварлик туйғуси» йўқотилса, барча мусулмонларни бир байроқ остида бирлаштириш ва улар устидан ҳукмронлик қилиш осонроқ кечади. Шу ўринда собиқ советлар ҳокимиятининг мафкурасини эслаб ўтмоқ жоиздир. Унда жумладан мана бундай фикр мавжуд эди: «Вақт ўтиши билан миллатлар шаклан миллий ва мазмунан социалистик кўринишга эга бўладилар». Аслида эса тарихи зўравонлик, коммунистик ақидапарастлик асосида қурилган шўролар давлати учун сохта ғоялар оммани итоат қилдиришнинг энг осон йўли эди. «Ҳизбут-таҳрир» мафкураси бизга жуда яхши таниш бўлган мана шу йўлни, яъни барпо этилажак ягона (Ватан, миллат, тил, анъаналар унутилган) мафкуравий маконда сиёсийлаштирилган ислом орқали кенг оммани итоатда, фикрий ва моддий қарамликда тутиб туриш йўлини танлагандир.

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг қуйидаги фикрлари эътиборга лойиқ: «Ким бўлишидан қатъий назар, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз ўтмишини яхши билса, бундай одамларни йўлдан уриш, ҳар хил ақидалар таъсирига олиш мумкин эмас. Тарих сабоқлари инсонни ҳушёрликка ўргатади, иродасини мустаҳкамлайди» (Ислом Каримов, «Тарихий хотирасиз келажак йўқ».)

«Ҳизбут-таҳрир»нинг асосий мақсади ягона мафкуравий маконда яъни, уларнинг тили билан айтганда халифалик давлати учун зарур бўлган мафкурани кишилар онгига зўрлик билан сингдиришдан иборатдир. «Ҳизбут-таҳрир» нашрларини ўқир экансиз, мафкура масаласида «Ҳизбут-таҳрир» раҳбарлари одамларни фақат бир томонлама фикрлашга ва бунинг натижасида ҳосил бўлган сохта ғояларни жаҳон маданияти ва тараққиётидан бехабар ёшларнинг онгига сингдиришга уринаётганларининг гувоҳи бўласиз.

Отасига қўл кўтарган фарзанднинг бутун умр косаси оқармаган. Аждодлари яшаб ўтган, ўзи туғилиб ўсган Ватанига хиёнат қилиш ундан ҳам мудҳишроқ жиноятдир. Бугун юртимизнинг ҳар бир фуқароси Ватан, келажак тақдири ўз қўлида эканлигини асло унутмаслиги лозим.

*** мабда (арабча) - мафкура, асос, негиз.**

*** отифий (арабча) - сентиментал, ҳис-туйғуга, кечинмаларга хос.**

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ ҚАРОРИ БИЛАН

(Боши 1-бетда.)

Шу туманнинг «Халқобод» жамоа хўжалигида яшовчи Н.Қорабоевга қарашли 5 бош қорамол, шу хўжаликнинг 0,5 сотих ғалла майдонини пайҳон қилиб, 41 минг 830 сўм миқдорида моддий зарар келтирганлиги учун Қаҳрамон қишлоқ фуқаролар йиғини қарорига асосан унинг 2 бош қорамоли сўйилиб, гўшти «Баҳор» болалар боғчасига ўтказилди.

Пахтакор тумани Самарқанд жамоа хўжалигида яшовчи ва ишловчи Ж.Нишоновнинг ҳам 2 бош эчкиси шу хўжаликнинг 0,05 сотих ғалла майдонини пайҳон қилиб, 1530 сўмлик зарар етказганлиги учун Чинор қишлоқ фуқаролар йиғини қарорига асосан, унинг ушбу эчкилари сўйилиб, гўшти нуронийлар уйига топширилди.

Шу ўринда яна рақамларга мурожаат қилсак, шу кунгача мамлакатимиз экинзорларида 20 гектардан зиёд экин майдони пайҳон этилганлигини кўрамиз. Ваҳоланки, ушбу экинзорлардан ўртача 45 центнердан ҳосил олинганда 90 тонна ғалла ҳали етилмасданоқ нобуд бўлаётганлиги маълум бўлади. Бу 80-90 та оила бир йиллик нон насибадан маҳрум бўлди, дегани эмасми?

Яна бир ачинарли томони шундаки, ўзлари етиштираётган ғаллаларни пайҳонгарчилигининг олдини олиш борасидаги ишларни яхши йўлга қўймаган ва ўз вазифасига совуққонлик билан қараётган раҳбарлар ҳам учрамоқда. Биргина Наманган вилоятида майсаларни мол туёқлари остида пайҳон этилишига йўл қўйганлиги учун 7 нафар масъул раҳбарга нисбатан туман судлари томонидан жарималар солинди. Масалан, Косонсой тумани Абадан жамоа хўжалиги 2-бригада бошлиғи Турсунбой Қамбаров ўзи бошчилик қилаётган бригада буғдойзорини пайҳон қилинишига йўл қўйганлиги учун, унга нисбатан туман суди томонидан 4500 сўм жарима солинди.

Тўрақўрғон тумани Наврўз ширкат хўжалиги 1-бригада бошлиғи Ж.Содиқовдан майсаларни пайҳон бўлишига кам ҳафсала билан қараганлиги учун туман суди томонидан 3000 сўм жарима ундириб олинди.

Ҳа, ерга сочилган ризқимиз кўзни қувонтиргудек даражада баравж ривожланаётган бўлсаю, уни пайҳон қилишга йўл қўяётганлар, бугун туёқлар остида нобуд бўлаётган ниҳолларнинг уволига қолмайлик.

Шерали АНВАРОВ,
ИИВ Матбуот маркази инспектори.

- Хўш, маҳалламиз «штат»ларини қуйидагича тақсимлаймиз: оқсоқолни соқолига қараб эмас, қаддиқоматига қараб «танлаймиз». Энди иккингиздан қай бирингиз котиб, қай бирингиз посбонлар сардори бўлишингизни «сайлов» қилиб аниқлаймиз.

ЙЎЛ — АЗОБ...

«ТЕЗЮРАР»МИ, «КЎПЙИҒАР»?

Пойтахтимиздаги 101-йўналишдаги автобусга чиқсангиз вассалом, кийимларингизни сўнгги модага биноан ғижимлаб олишингиз мумкин. Яна бунинг устига ҳайдовчилар шундай ҳотамтойки, исталган жойда тўхтайверади, пулини тўласангиз бас!

Айни вақтда автобусларнинг қатнаши йўналиш жадвалига умуман мос келмайди, баъзида 30 дақиқада ҳам келмайди. Эрталаб одамлар ишга, ўқишга шошиб турганда, яъни соат 6 дан 8 гача Қибрай туман марказидек катта бекатда тўхтамайди. Тўхтаса ҳам 200-300 метр ё етмай, ё ўтиб тўхтайди. Бекатда турган йўловчилар қўлларини силкитганча қолаверадилар.

Қўлида ойлик чиптаси бўла туриб, бошқа транспортга пул сарф қилиб кетишади.

Улар бошқа автобус йўналишларидагидек салоннинг ичида юриб чипта беришмайди, балки олдинги эшикла туриб олиб ҳамманинг вақтини олган ҳолда битта эшикдан туширишга одатланишган.

Ҳайдовчилар метро бекатида автобусни тирбанд қиладилар, агар тўлмаса метронинг 3-4 маротаба келишини кутадилар, чунки «вақтинг бўлди» деб назорат қиладиган киши йўқ, йўлдаги йўловчиларни ҳисобга олишмайди. Трактор заводида бозордан кўпроқ одам чиқсин, кўпроқ вақт ўтсин деб метродан ТТЗга қадар 30-40 км тезликда юриб келадилар. ТТЗ да эса йўловчиларнинг ярми автобусга чиқолмасдан қолиб кетади.

Аслида 101-автобус билан боғлиқ ҳангомалар жуда кўп. Уларни кўриб-билиш учун эса шу йўналиш бўйича бир сафар юриб кўришнинг ўзи кифоя қилади.

Толиб ТЎРАЕВ,
Қибрай шаҳарчаси, Фурқат номли маҳалла оқсоқоли.

ОБУНА — 2001

«MAHALLA»га - БИРИНЧИЛАР ҚАТОРИДА

Туман ҳокими ва унинг ўринбосарлари ҳам нашрлар орасида биринчи бўлиб «Mahalla»ни танлашди.

- «MAHALLA» газетасидаги ижтимоий ҳаётнинг турли жабҳаларидан ёзилган хабар, мақола, репортаж, лавҳаларни, Фозил қори Ёсин ўғли Собировнинг тўғрилик, ҳалоллик, инсоф ва диёнатга чорловчи, журналист Расул Раҳмоновнинг бадиий юксак очерклари каби мутолаа қилса арзиғулик мақолалар муштарийларда катта қизиқиш уйғотмоқда, - дейди биз билан суҳбатда Шўрчи туман ҳокимининг ўринбосари Т.Маматхонов.

Афсуски, турли сабаблар билан йилнинг иккинчи қисми учун обуна камайиб қолди.

Келгуси йил учун вақтли матбуот нашрларига обуна қилишда ҳар бир ташкилот, корхона, муассаса ва хўжаликларга масъул одамларни бириктириб чиқдик. Натижа ёмон эмас. 25 ноябргача тумандаги барча маҳалла ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари «Mahalla»га яқдиллик билан обуна бўлдилар. Туман бўйича «Mahalla»га обунани 250 тага етказиш биз белгилаган режа.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири. Сурхондарё вилояти.

ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ - ҚАЛБИМИЗ ДАРЧАСИ

(Боши 1-бетда.)

— Хўш, бу кўнгироқларда қандай гаплар бўлаяпти?

— Умуман, юқорида таъкидлаганимиздек уларнинг аксариятида бу тадбирдан мамнунлик ҳислари ифодаси кўпроқ. Шунинг билан бирга Президентимизнинг болажонларга аталган бу йилги меҳрибонлик тадбирининг қачон бошланиши, қаерларда ўтиши ва унга кимлар таклиф этилиши борасидаги саволлар ҳам бор.

— Шуҳрат ака, менимча, бу саволлар ҳатто газетхонларни ҳам қизиқтиради.

— Одатдагидек бу йилги Президент арчаси тадбирларига ҳам асосан кам даромадли, ота-она меҳридан ҳоли болаларимиз жалб этилади. Тадбирларнинг маркази пойтахтдаги "Туркистон" саройида 29 декабрда бошланиб, бир неча кун давом этади. Аммо, шуни эътироф этишимиз лозимки, Президент арчаси бутун мамлакатимиз бўйлаб, ҳар бир вилоятда бўлиб ўтади. Ушбу жойларда ҳам Президент арчаси қизғин тарзда, яъни Президентимизнинг табрик ва совға-саломларини болаларга улашиш ҳамда театрлашган томошалар билан ўтади.

Ушбу йилги Президент арчаси тадбирларининг қандай ўтишини тасаввур қилиш учун ўтган йили бўлиб ўтган бу тадбирнинг якунларига бир назар ташлаш кифоя. Ўтган йилги тадбирларда 95104 бола қуршаб олинди. Тасаввур қилинг, ўшанча бола, уларга қўшилиб улар атрофидаги одамлар, уларнинг тарбиячилари қалбидаги бахтиёрлик ҳиссини ҳозиргача сезиш, ҳис қилиш мумкин. Шунинг учун ҳам бу йилги талбирни улар интизорлик билан кутишаяпти. Президент совғалари Қорақалпоғистон республикаси ва вилоятларнинг энг узоқ манзилларидаги болаларга ҳам етиб борди. Айниқса, 2000 йилнинг дастлабки кунлари "Мурувват ўн кунлиги" сифатида эълон қилиниши, Президент арчаси ҳам шу муддатга узайтирилиши болалар ҳаётини янада қувончли ҳодисаларга бойитди. Тошкент шаҳрида мазкур ўн кунлик дастури бўйича 2-6 январ кунларидаги байрамларда маҳаллалардан 30 мингдан зиёд кам таъминланган, кўп болалик оилалар фарзандлари, меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернат ўқувчилари қатнашиб, уларга ҳам Президент номидан табриклар ва совғалар улашилди.

Ушбу йилда ҳам аввалги йиллар тажрибасидан келиб чиқиб, ҳозирлик бошлаб юборилди. Президент арчасини мазмунли ўтказиш учун ҳар йилгидек Ўзбекистон "Маҳалла" жамғармаси қошида Ишчи гуруҳи тузилган бўлиб, гуруҳ аллақачоноқ ўз вазифасига киришган. Деярли барча ташкилий масалалар ҳал этилиб, амалий ҳозирлик ишларига киришилди. Болаларимизни Янги йил тадбири билан хурсанд қилиш учун кўплаб ҳомий ва ишлаб чиқариш ташкилотлари биз билан ҳамкорликка аллақачоноқ киришиб кетишди. Болажонларимиз учун энг сара совға-саломлар, театрлашган мазмундор томошалар ҳозирланмоқда.

Бу сафар ҳам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нодира Қурбонова сценарийси асосида ва унинг бошчилигида "Томоша" болалар ижодий уюшмаси томонидан болажонларга бир умрга эсдалик бўлиб қоларли даражада театрлаштирилган мусиқий-эртак саҳнаси ва концерт дастурига тайёргарлик бошлаб юборилди. Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон республикасида, вилоятларда ҳам бу тадбирларни шу даражада ўтказиш учун "Маҳалла" жамғармаси бўлимлари бош-қош бўлмоқдалар. Аминмизки, жойларда ҳам бу хайрли тадбирга ҳомийлик қилувчилар, бош-қош бўлувчилар кўплаб топилади.

- Маълумки, ҳар йилгидек, бу хайрли тадбирнинг бошида "Маҳалла" жамғармаси турибди. Айтинг-чи, бу тадбирда маҳаллаларнинг ўрни қандай бўлади?

- Маҳаллалар ўзини ўзи бошқариш органлари сифатида мамлакатимизда ўтказиладиган ҳеч қайси тадбирдан четда турмайди. Ўтган йили Президент арчаси тадбирларида ва меҳр-мурувват кунларини ўтказишда маҳаллаларимиз фаол қатнашишди. Аввало, тадбирларда кўплаб маҳалла болалари иштироки таъминланди, бунинг учун маҳаллалар орқали меҳр-оқибатга эҳтиёжманд оилалар аниқланди. Ҳатто бундай тадбирларнинг узвий давоми сифатида совға-саломлар уйларга ҳам элтиб берилди. Ушбу йилда маҳаллаларимизнинг янада фаол иштироки бўлади, деб умид қиламиз.

- Арча байрами, хусусан, Президент арчаси тантаналари баҳона меҳр-мурувват сўровлари анъанаси давом этадими?

- Албатта. Халқимиз учун жон фидо қилган жасоратли ўғлонларимизнинг оилалари, фарзандлари, касалхоналарда даволанаётган етим-есир болалар ҳам Юртбошимиз совғасидан баҳраманд қилинади. Шунингдек, байрам баҳона Меҳрибонлик уйларини моддий ёрдам билан сийлаш ниятимиз бор.

Хуллас, бу йилги Президент арчаси тадбирлари халқимизга хос бўлган меҳр-оқибатлилик, саховатпешалик, инсонпарварлик каби миллий қадриятларимизнинг яна бир бор намойиши бўлади.

ГАП ОРАСИДА

«ЎРГИМЧАК-ОДАМ» СИНГАПУРДА ҲИБСГА ОЛИНДИ

Француз йигити Алан Робер бутун дунё бўйлаб баланд қаватли биноларга ўрмалаб чиқиб юрганлиги учун журналистлар томонидан «ўргимчак-одам» деган лақаб олган экан.

У Нью-Йоркдаги Эмпайр Стейт, Париждаги Эйфел минораси, Чикагодаги 110 қаватли бинони ва бошқа кўплаб осмонўпар биноларни забт этиб донг таратганди. Алан Робер 30 дан ортиқ ўта баланд биноларга ўрмалаб чиққан. Аммо ҳар бир мамлакатда у ўз ҳаётини хавф-хатар остида қолдираётганлиги учун полициячилар томонидан таъқиб қилинар эди. Сингапурда ҳам худди шундай бўлди. Робер бу ерда 60 қаватли бинонинг устига чиқаётганди. Тартиб ўрнатувчилар довюрак француз йигитини 23-қаватда қўлга туширдилар ва у ноилож таслим бўлди. Бундай қилиқ учун энг катта жазо - 3 ой муддатга қамаб қўйишдир. Лекин Робер бу одатини тарк этмоқчи эмас. «Осмонўпар биноларни ҳам мен учун тоғлар мисоли, фақат улар одам қўли билан бунёд этилган, - деб изоҳлайди у. - Тоғ-биноларга чирмашиб чиқиш менга жуда ёқади».

Шуни қайд этиш керакки, «ўргимчак одам» баландликларга чиқишда махсус эҳтиёт чораларини ҳам кўрмайди, баландга чиқиш техникасидан ҳам фойдаланмайди - у фақат ўз оёқлари ва қўллари ёрдами билангина ўрмалаб чиқади.



Суратда: «ўргимчак одам» навбатдаги бинони забт этмоқда.

ЯХШИЛАР ГУЛШАНИ

Салим ҳожи МЕЛИҚУЛОВ,
Ўзбекистон дин ишлари бўйича
қўмита раисининг ўринбосари

ОДОБ ИЛМИ ХОНАДОНДАН БОШЛАНУР

Ўзингизни ҳалокатга олиб борувчи нарсаларга ташламанг!
Муқаддас Қуръони Каримнинг «Таҳрим» сурасида Оллоҳ таълим бериб айтадики, «Ўзингизни ва бола-чақа, хонадонингизни дўзах ўтидан сақланг».

Оллоҳ тайинлаганидек, болаларни дўзахий қилиб қўймаслик, ёмон тарбия бермаслик, биринчи навбатда ота-онага боғлиқдир. Бу борада лоқайд бўлмаслик, фақат одобли бўл, ақлли бўл деб қолмасдан, болаларнинг юриш-туриши, ўзини тутишини доимо назорат қилиб туришлик, натижасини билиб туришлик вожибдир. Ислом динининг бевосита ёшлар тарбиясига қаратилган талаблари ҳам шуни тақозо қилади.

Шу ўринда қуйидаги воқеани эслаб ўтиш жоиздир. Бир одам келиб Расули акрамдан сўрабди:

- Ё Расулиллоҳ, сиз болаларни ўпасизми?

Расули акрам жавоб бериб, дебдилар:

- Албатта, болаларимизни севамиз. Сиз-чи?

- Биз болаларимизни ҳеч ўпмаймиз.

Шунда пайғамбаримиз САВ ул одамга уқтирибдилар:

- Марҳамат этмаган (меҳр кўрсатмаган) кимсага марҳамат бўлмайди, меҳр кўрсатилмайди.

Афсуски, шундай ота-оналар, маҳалла, мактаб жамоалари борки, ёшлар тарбиясига лоқайдлик билан қарайдилар. Иш, рўзғор ташвишларини баҳона қилиб, болалар тарбияси билан кам шуғулланадилар, бу гап айниқса, оталарга таллуқлидир. Оқибатда ёшларни ёмон йўлларга бошловчи бегона «тарбияловчи»лари ўртага суқилиб кирадилар. Турли хил ўзаги хорижга бориб тақаладиган ақидапараст оқимлар, диний экстремистлар пайдо бўладилар. Улар ҳали онги шаклланиб улгурмаган ёшларнинг дунёқарашини заҳарлашга, ўзларининг мудҳиш ниятларини амалга оширишга уринадилар. Бундай ғаламис, ёвуз ниятдаги сотқин кимсаларга асло йўл бермаслигимиз керак. Зотан, бизнинг юртимизда Имом Бухорий, Имом ат-Термизий, Абу Мансур Мотурудий каби буюк аллома аждодларимизнинг дин, ахлоққа оид, эзгу мақсадларни кўзда тутган ажойиб мактаблари борки, уларни бутун дунё тан олган. Биз ёшларга ана шундай ота-боболаримизнинг меросини кенг ўргатишимиз лозим.

Президентимиз Ислом Каримовнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деб номланган асарларида ҳам мазкур вазифага алоҳида урғу берилган. «Биз фарзандларимизни дунёвий билимлар билан бир қаторда деб таъкидлайди Юртбошимиз, - Имом Бухорий тўплаган Ҳадислар, Нақшбандий таълимоти, Термизий ўгитлари, Яссавий ҳикматлари асосида тарбия қилмоқдамиз».

Қуръони Каримнинг «Аҳзоб» сурасида айтиладики, «Эй мўминлар, қачонки сизлар сўзласангиз, тўғри сўзларни тўғри гапларни гапирингиз, шунда Парвардигорингиз ишларингизни ривожини беради ва билиб-билмай қилган гуноҳларингизни кечиради. Кимки, ҳаёти мобайнида Оллоҳга ва унинг Расули кўрсатмаларига итоат қилса, батаҳқиқ у муваффақият топади».

Ёшлар тарбиясида қуйидаги Ҳадиснинг ҳам ўрни муҳимдир: Пайғамбаримиз САВ омонатга хиёнат қилган кишининг иймони йўқдир, дейдилар. Чунки бугун омонатга хиёнат қилган одам, эртага Ватанига, халқига хиёнат қилиши мумкин.

Ислом динининг ёшлар тарбиясидаги муҳим жиҳатларидан яна бири бу - кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат-эҳтиром, иззат-икромдир. Бир Ҳадиси Шарифда Муҳаммад САВ «Кишиларни ҳурмат қилсанг, иззат топасан», деб марҳамат қиладилар.

Ёшлар эътибор беришлари керакки, одоб-ахлоқнинг намунали кўринишларидан бири бу хоҳ эркак, хоҳ аёл киши бўлсин, ҳаёли бўлишидир. Ҳаё инсоннинг қандай эканлигини белгилаб беради. Ҳадиси Шарифда бу ҳақда шундай дейилади. Ҳар бир диннинг ўз хулқи, моҳияти бор. Ислом динининг моҳияти бу — ҳаёли бўлмоқликдир. Негаки, ҳаёли киши ҳеч қачон ёлғон гапирмайди, ўғирлик қилмайди ва бошқа шу каби фазилатларга эга бўлади. Шарм-ҳаё миллатимиз, халқимизнинг неча асрлардан бери шаклланиб келаётган хислатларидандир. Шунга эътиборни қаратишни лозим топдикки, ёшларга қайси соҳада бўлмасин бериладиган илм, ўргатиладиган касб-ҳунар билан бир қаторда, ҳаё борасида ҳам тарбиявий ишлар олиб бормоқ, ёшларда инсоний баркамолликни, одоб-ахлоқни, миллий ғурурни рўёбга чиқармоқ мақсадга мувофиқдир.

Ёшлар доимо шуни ёдда тутмоқлари лозимки, ислом динининг асосий шартларидан бири покликдир. Бинобарин, «Соғлом авлод йили»да миллий қадриятларимиздан ҳисобланган ислом дини талаблари асосида ўзи ёшларни тозаликка ўргатсак, Президентмизнинг «Буюк давлатни фақат соғлом авлод, соғлом миллатгина қура олади», деган сўзларини ҳаётга тадбиқ этишга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Ёшларимизни соғлом бўлиб вояга етишларига тўсқинлик қиладиган иллатларга қарши кураш олиб бориш ҳам бурчимиздир. Шундай иллатлардан бир гиёҳвандликдир. Гиёҳвандлик маълумки, жаҳонда «Аср вабоси» деб эълон қилинган. Ислом дини бўйича ҳам ниёҳвандлик қаттиқ қораланади. Шариат тили билан айтганда, у ҳаромдир. Гиёҳвандлик ёшларнинг нафақат соғлиғига, балки тарбиясига ҳам зарар етказади. Гиёҳвандликнинг ёшлар ўртасида тарқалиши катта ёшли кишилар ўртасида ёйилишидан кўра хатарлироқдир. Зеро, ёшлар келажакдаги раҳбарлар, олимлар, зиёлилар, сиёсат арбоблари ва бошқа мартабали кишилар, бунёдкорлардир. Бинобарин ахолининг бу қатлами қанчалик гиёҳвандликка берилса, жамиятнинг келажаги учун шунчалик хатарлидир. Қуръони Каримда айтиладики, «Ўзингизни халокатга олиб борадиган нарсаларга ташламанг».

Ёшлар тарбияси долзарб мавзу. Шунинг учун ҳам бу муҳим масалада динни ҳам, маҳаллани ҳам барча жамоатчилик кучини бирлаштириб, фаолият кўрсатиш, ҳамжиҳатликда иш кўриш жуда зарурдир. Ёш авлоднинг комил инсон бўлиб етишишларида дин пешволари ўз саъй-ҳаракатларини аямайдилар. Иншоолоҳ.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ИМКОНЛАРИ

АНГОРДА МЕҲР-МУРУВВАТ ТАНҚИС ЭМАС!

Мусахон аканинг одати шунақа. Эрта тонгдан киришилган иш албатта битади, деб ҳисоблайдиганлардан. Худди ана шу одатига кўра барвақт ишхонасига етиб келган Мусахон акани йўлакда Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини раиси Нормурод Қурбонмуродов қарши олди.

- Бахайр, Нормуродбой, эрталабдан биз томонларга йўлингиз тушибди, - деди у оқсоқол билан қўл олишаркан.

- Ёрдамингиз керак, иним, - салмоқлаб гап бошлади оқсоқол. - Кўп ўйлаб, шу хайрли ишга сизнинг қурбингиз етади деган қарорга келдим. Маҳалламизда қаровчисиз қолган икки қария истиқомат қилади. Ўзимиз ҳам қўлдан келганча қарашиб турибмиз. Лекин аҳволи жуда танг-да уларнинг. Хулласи калом, шуларни...

Оқсоқол сўзлар экан нима жавоб бўларкин дея Мусахон акага синчков тикилди.

- Э, яшанг раис. Ҳозиргача нега жим юрибсиз? Ахир бу айнан бизнинг ишимизку! - Мусахон ака дарҳол ночор қарияларнинг манзилию исми шарифини ён дафтарчасига ёзиб олди. Шу бугуноқ улардан хабар олиши ва оқсоқол билан ҳам ўша ерда учрашишга ваъдалашиб хайрлашди...

Мусахон Баҳромов - Ангор туман ижтимоий таъминот бўлими бошлиғи вазифасида хизмат қилади. Қарийб йигирма йиллик фаолияти давомида одамларга яхшилик қилиш, саховат кўрсатиш, уларнинг дардига малҳам бўла олиш унинг асосий иш мезонига айланган. Хизматлари эвазига «Ижтимоий таъминот аълочиси» нишонига сазовор бўлди. Энг муҳими, уни эл-юрт саховатли, олийжаноб, бағри кенг инсон сифатида танийди, олқишлайди.

Шу кундан бошлаб Мусахон Баҳромов икки муҳтож қариянинг ғамхўрига айланди, оқсоқолнинг ҳам улардан кўнгли тинди. Мусахон акани нафақат қаромоғидаги нуронийлар балки бу воқеадан хабар топган катта-кичик дуо қилди. Шу талбир туртки бўлдию, Мусахон ака қўшни маҳаллалар, умуман тумандаги муҳтож қариялар ҳақида олинган маълумотларни янгилашга киришиб кетди. Оқсоқоллар билан учрашиб, фуқаролар йиғинларида бўлди, қариялар билан суҳбатлашди. Аввал рўйхатга олинган 16 нафар ёрдамга муҳтож кексалар рўйхатига яна 11 кекса нуронийнинг исми шарифи қўшилди. Мусахон Баҳромов уларнинг ҳаммасини ижтимоий ҳимояга олиб, меҳр-мурувват кўрсатишга бел боғлади. Тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилди. Саховатпеша қаҳрамонимиз ишни қарияларни тиббий кўрикдан ўтказишдан бошлади. Уларнинг тиббий муолажа олишлари, даволанишлари билан боғлиқ муаммоларни дарҳол ҳал этди. Кейин уларнинг ҳар бирига алоҳида ҳисоб варақаси очилди, назоратчилар тайинлади. Ҳалима Нурматова, Шарофат Хушбоқова ва Моҳира Турсуновалар меҳрга муҳтож қарияларга меҳрибонлик кўрсатишда, уларнинг дуосини олишда Мусахон аканинг ёрдамчиларига айландилар. Бугун кексаларга дори-дармон, кундалик озиқ-овқат маҳсулотларини келтириш, уй-рўзғор юмушларига кўмаклашиш назоратчилар зиммасида.

- Ҳукуматимизга раҳмат, - дейди Мусахон Баҳромов, - пенсия ва нафақалар миқдорини бир йилда уч, тўрт марта оширмоқда. Шу муносабат билан ҳар бир пенсионернинг ҳужжатини қайтадан кўриб чиқишга ва нафақа миқдорини янгидан белгилашга тўғри келса ҳам, биз пенсинер ва нафақахўрлар учун хурсанд бўламиз. Умуман фуқаролар, маҳаллалар билан яқин алоқа ўрнатганмиз. Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори асосида оқсоқоллар билан ҳамкорликда бир қатор тадбирларни амалга оширяпмиз. Ўзгалар парваришига муҳтож қарияларимизга хизмат кўрсатиш учун уларнинг ҳар бирига ойига 2088 сўм миқдорида маблағ ажратганмиз.

Атрофдагиларнинг эътибори, Мусахон Баҳромовдек жонкуяр инсонларнинг ғамхўрликларига жавобан ёши улуғ кексалар туну кун замонага шукрона айтиб, шундай давру даврларга имкон берган истиқлолимиз абадий бўлишини дуо қилиб, нурли юзларига фотиҳа тортмоқдалар.

Омон ШУКУРОВ,
«Mahalla» мухбири.

Афсона эмас

РУҲЛАР ҚЎЛЛАГАНДА

Қадимий ва ҳамиша навқирон Тошканди шаҳри азимнинг Себзор даҳасининг «Ҳофиз Кўҳакий» маҳалласида XIX асрнинг иккинчи ярми ва асримизнинг бошларида Зокиржон қори ота исмли аллома яшаб ўтган.

Ҳам дунёвий, ҳам ухровий илмлар соҳиби бўлган бу улуғ зот олий мадрасаларда мударрислик қилган, хонадонида очилган қорихонада юзлаб мураттаб қори - ҳофизул Қуръонларни етиштирган, шоир Алмаийнинг сафдоши, Муқимий ва Фурқат каби буюк адиблар Тошкентда бўлган чоғларида улар билан бир неча марта учрашиш бахтига муяссар бўлган. У кишининг Зоҳиджон қори (1897-1983) исмли араб, форс ва рус тилларидан яхшигина бохабар зиёли фарзанди аржуманди гапириб берган эдилар:

«1943 йилнинг кузи бўлса керак. Бирда туш кўрсам, отам раҳматли кириб келдилар. У кишини тўрга таклиф этдиму, кўрпачага ўтириб олганларидан сўнг қўлимни кўксимга қўйиб сомъе бўлганча қаршиларида тик турдим.

Отам одатларича мени сизлаб: «Ўғлим, мана Оллоҳ беш қиздан сўнг сизга паҳлавондек ўғил берди, энди бунинг шукронаси учун дастурхон ёзиб, элни меҳмон қилмайсизми» - дедилар.

Тортиниб елкамни қисганча: «Отажон, бир ёғи уруш кетаяпти, иккинчидан қўлимда тўйга етарлик маблағ йўқ. Қобилжон бўлса энди бир ёшга тўлди. Мактабга чиққунча худо хоҳласа маҳалланинг қарз ошини берарман» - дедим.

Отам ўринларидан турдиларда, эшик томон юриб: «Ҳеч қачон хайрли ишни кечиктиришни хаёл қилманг. Ҳозироқ келинни уйготинг, икки ҳафтадан сўнг жума куни қозон қурар, эртасига наҳорга ош деб айтинг. Қийналиб юрганда эл-юрт катта қозондан баҳраманд бўлсин, савоби сизга тегади. Мен ўзим сизга кўмак бериб юбораман» - дедилару, кўздан ғойиб бўлдилар.

Чўчиб уйғониб кетдим. Хотиним Шарофат уйғоқ ётарди. Секин уни имлаб чақирдимда, тўй қилишимизни айтдим.

- Қизиқмисиз, тайёргарлигимиз бўлмаса, қандай қилиб тўй қиласиз, - деди эътироз билдириб.

- Қабри нурга тўлгур Отам раҳматлик ҳозиргина тушимда ёрдам бераман, деб айтдилар.

Тўй ҳаракатини эшитган ошна-оғайнилар, қариндошуруғлар эшик қоқиб келиб, «муборак бўлсин» қилиб баҳоли қудрат қўлдан келганча ким пул, ким маҳсулот, ким яхши гапи билан кўмак бера бошлади. Тўйга уч кун қолганда пешинга яқин Чорсу бозорида қўлимда қоп билан сабзи-пиёз олгани айланиб юрсам, оломон орасидан «Эй одамлар, Зокиржон қори ўғли Зоҳиджон қорини кўрган борми» - деган чақириқни эшитгандай бўлдим. Зум ўтмай яна шу овозни такроран эшитдим. Расталарни айланиб овоз келган томон юра бошладим. Мени излаб бақириб юрган одам қўлида қамчи, бошида қозоқча қалпоқ, эгнида пўстин кийиб олган ёши улуғ, бўйчан, бақувват киши эди. Мен анграйганча унинг рўпарасига туриб қузата бошладим. Бир оз ўтиб, салом бердимда: «Амаки, мени қидираётганингиз йўқми?» - дедим.

- Отангнинг қуйиб қўйгандек ўзи бўлибсанку, чироғим, албатта сени қидираяпманда - дея мени бағрига босганда унинг пўстини ичида йўқ бўлиб кетдим.

- Эй, жигит, тўй қилаётган экансан. Отанг раҳматлик сурункасига ҳар куни тушимда сени топишимни сўрайди. Уч кундан бери қидираман. Худойимга шукр, жур бу ёққа, - деб бозор чеккасида турган от қўшилган арава олдига олиб келди. Энди бошла ҳовлингга - деди. У отам раҳматликнинг мурид мухлисларидан бўлиб, тўйхонага етти қоп ун, беш қоп гуруч, бешта сўйилган қўй ва арава орқасидан эргашиб келаётган еттита қўй олиб келди. Унинг устига қўлимга бир даста пул бериб, буни кам кўстинга ишлатарсан жиян, - деб пешонамдан ўпиб хайрлашиб кетди.

Омонулла МУТАЛОВ.

ОҚСОҚОЛЛИК ҲАМ МАРОҚЛИ, ҲАМ МАСЪУЛИЯТЛИ

(Боши 1-бетда.)

Шундай бўлса ҳам Аминбой Абдураҳмоновнинг ишидан кўнгли тўлмасди. Мактабнинг имкониятлари ўлчовлигидан сиқилиб, ўқувчиларга тағин ҳам зарур шарт-шароитлар яратиш учун имконият қидирди, бу йўлда Оллоҳдан мадад сўрарди. «Тавакка, отам раҳматлик қилган иш, маҳаллада янги замон дастгоҳларидан олиб, нонвойхона очаман. Ажабмас иш юришиб кетса» деган гапларни кўнглидан ўтказиб маҳалла оқсоқоллари ёнига борди. Узоқни кўра билган отахонлар уни рағбатлантириб, оқ фотиҳа бердилар. Ёш, билимдон, зиёли йигитнинг хўжалик иши билан шуғулланишига аҳд қилгани кимга ёқди, кимга ёқмади. «Ўқувчилар сизни устоз сифатида ҳурмат қилишади, борига қаноат қилиб, бир йўлда юрганингиз маъқул эмасми» деганлар ҳам бўлди. Устига-уст хусусий фирмани барпо этишнинг ўзи бўлмас экан, арзимаган кичик бир ҳужжатни олиш учун идорама-идора юриш, маблағ топиш, уни ўрнига қўйиб сарфлаш ҳам осон кўчавермас экан. Ҳали иш бошланмасдан, даромад қилинмасдан қўлга қарайдиган томонлари ҳам бўларкан. Баъзан алам билан ҳаммасига чидаб, энди иш бошлаб қўйдим, ташлаб кетсам, эпполмади, деган маломатга қолмай, деб бўш келмади. Мақсадига эришди. Тандирдан беш хил иссиқ нон узилган кун, Аминбойга Оллоҳ ўғил набира берди.

- Кел, янги давр нишонаси бўлсин дея, хусусий фирма номини «Дилмурод» деб атади.

«Дилмурод» хусусий фирмаси ўзини оқлаб, соф фойда бера бошлагач, Аминбой Абдураҳмонов маҳалла ҳудудини ободонлаштиришдан бошлаб, кам таъминланган оилаларга, ногирон, бева-бечора, етим-есирларга маблағ ажратиб, уларнинг тўй-маъракаларига ёрдам уюштириб савоб ишларни қила бошлади. Тез орада элга танилиб, халқнинг дуосини ола бошлади.

Истиқлол маҳаллаларга ҳам кириб келди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолиятига эътибор ҳам, талаб ҳам кучайди. Қатор давлат ваколатлари маҳаллалар зиммасига ўтказилди. Маҳаллада олиб бориладиган ишлар кўлами кенгайди, масъулияти ошди. Аминбой Абдураҳмонов яшаган Урганч шаҳридаги Комилжон Отаниёзов номли маҳаллани бошқариб турган оқсоқол Отахон Бобоев шиддатли давр шароитида фахрий раис ҳам маслаҳатчи бўлиб қолишни ўзига муносиб кўрди.

Шунда Оқсоқолнинг ўзи ҳам, маҳалла аҳолиси ҳам якдиллик билан Урганч шаҳар кенгашининг депутати Аминбойга мурожаат қилишди. Унинг номзодини шаҳар ҳокимлиги ҳам маъқуллади. Унинг ёшман, мактабда дарсларим бор, ҳаёт тажрибам кам, дейишига қарамай, маҳалла фуқаролар йиғини раислигига сайлашди. 1993 йил 43 ёшида маҳалланинг отаси, ёшуллиси мартабаси насиб этди.

- Мана, етти йил бўлибди, раислигингизга. Шу даврда янги давр оқсоқоли сифатида қандай хулосаларга келдингиз? - деб сўраймиз.

- Энг аввало, бу иш нодир иш экан, эл ишончи ҳам мароқли, ҳам масъулиятли экан. Қолаверса, агар астойдил ишлайман, маҳалламни ҳар томонлама кўтараман, маҳалладошларимга беминнат хизмат қиламан, деган одамга бир кунда йигирма тўрт соат ҳам етмас экан.

Биринчидан, маҳалла фуқаролар йиғининнинг раиси бир жойда, фақат маҳаллада ишласа - ўз бурчини, масъулиятини, зиммасидаги вазифаларни уддалашга улгуради.

Иккинчидан, маҳалланинг ҳисоб рақамида албатта маблағи, айланма жамғармаси бўлиши зарур. Уни кўпайтириб бориш, боқимандалик кайфиятидан қутулиш, ўзини-ўзи бошқариш, деган номига муносиб бўлиб, аҳоли эҳтиёжини қондириш даражасида кўтарилиши лозим.

Учинчидан, маҳалла оқсоқоли соғлом, бардам, кучли бўлиши шарт. Зеро унинг кеча-кундуз бош-қош бўладиган, бири-бирига уланиб кетадиган, фавқулодда амалга оширадиган юмушлари беададдир.

Тўртинчидан, у ички интизомга эга бўлиши, вақтнинг қадрига етиши, ташаббускор, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши зарур.

Бешинчидан, ақл, руҳ ва жисмни тушуниб бошқаришга қодир ухровий ҳам дунёвий билим эгаси, мустаҳкам иймон-эътиқод соҳиби бўлиши лозим.

Албатта булар менинг шахсий хулосаларим.

Биз маҳаллани айланиб, қилинган ишларни кўриб, одамлар билан суҳбатлашиб имонимиз комил бўлдики, Аминбой сўзи билан иши бир инсон. Энг муҳими унинг учун, маҳалланинг иши, баъзилар айттандек даҳмаза, ҳеч ким миннатдор бўлмайдиган ортиқча юк эмас.

- Ҳамма иш ғоядан бошланади, - дейди раис. - Мен маҳалла хонадонларида, оилаларда, турли ёш ва касб эгалари даврасида бўлганимда ғоя излайман. Айтилган фикрларга, таклифларга, мақтов, ғина-танқидларга бефарқ қарамайман. Тўғри баъзан мантиқсиз ҳолатларга ҳам дуч келиб қоламан. Ўзига яраша муомала қилиб кетаман. Ғоя ўлмайди. Буни кўпчилик билади, лекин унинг кетидан қувмайди. Чунки, ғоянинг туғилишидан кўра, амалга ошириш машаққатлироқ.

Маҳалла гузарини, шарқона услубда қурилган маҳалла девонхонасини кўриб оқилона, катта қурилиш, ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишларини қилиб ҳаётда из қолдираётганини, чинакам обрў орттираётганини гувоҳи бўлдик. Маҳалланинг озода, ораста, асфальтланган равон кўчаларидан ўтиб борар экансиз, Хивадаги қадимий обидаларга ўхшаган, мўъжаз бино диққатингизни ўзига тортади. Бу Аминбой Абдураҳмонов раис бўлгач, халқ ҳашари йўли билан қадимий миллий меъморчилик услубида қайта қурилиб ишга туширилган ғиштин кошона. Ичкари хоналари кенг, ёруғ. Унда иш юритиш, турли маданий, маънавий ва маърифий тадбирлар ўтказиш, спорт мусобақалари, тўй-маъракa ва маросимлар ўтказиш, дам олиш учун хоналар, «Маънавият ва маърифат» маркази жойлашган. Ёзда орамбахш боғ, чойхона маҳалла аҳолиси хизматида. Маҳаллада сартарошхона, этиклўзлик, дўппи-папоқ тикиш устахонаси, ўндан ортиқ тижорат ва гўшт, мева-сабзавот дўконлари ишга туширилди.

- Бошни худо, молни ғайрат беради, - деб мулкдорлар табақаси ҳақида гап очди Аминбой. - Маҳалламизда жамғарма ташкил этиш мақсадида, ўзим таниган-билган одамлардан бир нечтасининг куч-ғайратини юзага чиқардим. Уларда, ўз тажрибамдан келиб чиқиб, керакли Қонун, адабиётлар билан қуроллантириб, ҳақиқий мулкдор бўлишига, чинакам хўжайинлик туйғусини ҳис этишга муваффақ бўлдим. Ўз навбатида учта хусусий фирма очтиришга эришдим. Ҳозир улар аҳоли эҳтиёжи учун зарур буюмлар ишлаб чиқармоқдалар. Тикувчилик ва гилам тўқиш кичик корхонаси иш бошлади.

Шаҳар, вилоят оммавий спорт мусобақалари Комилжон Отаниёзов номли маҳалланинг иштирокисиз ўтмайди. Маҳаллада «Жайхун» ва «Лочин» футбол жамоалари бўлиб, бугунги кунда республикада Урганч шаҳри шарафи учун курашиб келадилар.

Маънавий ва маърифий ишлар кўпроқ маҳалла оқсоқолининг ташаббускорлигига боғлиқлигини Аминбой мисолида яққол кўрамиз. Маҳаллада мунтазам ўтказилиб келинаётган тадбирларнинг номиданоқ буни англаб олса бўлади. «Энг намунали хонадон», «Ибратли қайнона», «Эпли келин», «Китобхон оила», «Энг яхши кўча» каби кўрик-танловлар, республика ҳамда вилоят, шаҳарнинг атоқли кишилари билан учрашувлар бу маҳаллада анъанага айланган.

Маҳалла фуқаролар йиғини, милиция ҳудуд инспектори, дин пешволари, педагог-устозлар ҳамкорлигида ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган.

Ташкилий, амалий ишларнинг самараси ўлароқ маҳалла диний ақидапарастларга эргашган унсурлардан, қўйдичиқдилар, қонунбузарликлардан холи.

- Маҳалламизнинг ободончилиги, тарбиявий салоҳияти, истиқболдаги улкан режаларини муҳтарам Райимберган Каримов, Ванежон Санджонов, Матёқуб Маҳмудов, Собиржон Ортиқов, Аҳмаджон Шелмиев, Худойназар Бекчонов, Акбаржон Ботиров, Росияжон Гаффорова, Сотимбой Ҳасанов, Отажон Маҳмудов, Султонбой Тангриберганов, Отамурод Аҳмедов, Султонпошша Напесова, Онахон Тангриберганова, Байрам Отаев, Худойназар Раҳимов каби устозу шогирд, жамоатчи деган фахри номга содиқ чин инсонлар билан эришмоқдамиз. - деб алоҳида урғу беради камтарлик билан Аминбой Абдураҳмонов.

Халқ маҳалланинг тақдирини менга топширдими, ишончини оқлашим керак, деб ишга киришган Аминбой Абдураҳмонов, сайланган йилиёқ ишини фаолларга таяниб, эл билан маслаҳатлашиб, юртга баҳоли қудрат хизмат қилар экан кам бўлмаганини айтади.

Ҳали олдинда, XXI аср сарҳадида маҳалланинг равнақи, ўзини ўзи бошқариш идораси сифатида тўла боқимандалик кайфиятидан қутулиб янги, адолатли, кучли, фуқаролик жамиятининг Юртбошимиз таъкидлаганларидек чинакам таянчига айлантириш йўлида қиладиган ишлари, дастурлари бесаноқ эканлигига қарамай, қилинган оз ишларини кўпдай кўриб, қадрланаётганлигидан хурсанд Оқсоқол янги марраларни забт этиш ҳаракатида эканлигига урғу беради. Президентимиз Ислом Каримовнинг мазкур маҳалла аҳлига йўллаган табрикномаси олдида ҳали кўп қарздорликларини доим эслайди.

Маҳалла девонхонаси деворига қўйилган, йирик, заррин ҳарфлар билан ёзилган Президент табрикномасини ўқиймиз:

«Ҳурматли Аминбой Абдураҳмонович!

Она диёримизни гуллаб-яшнатиш, ёшларимизни Ватанга муносиб фарзандлар қилиб тарбиялаш, фуқаролар ўртасида дўстлик, аҳиллик, одамийлик ҳислатларини қарор топтириш, маҳаллаларда тинчлик-осойишталик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш соҳасидаги беминнат хизматларингиз учун самимий миннатдорчилигимни қабул қилгайсиз.

Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, хайрли ишларингизда зафарлар, битмас-туганмас куч-қувват тилайман.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ислом КАРИМОВ».

Жаҳоншумул улуғ ишлар, Истиқлолни мустаҳкамлаш, озод ва обод Ватан, халқимиз учун фаровон ҳаёт ғамида юрган, халқимиз виждони ва ўзлиги тимсоли бўлган Юртбошимиз учун она-Ватанимизнинг ҳар зарраси, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси нақадар азиз эканлигини кўрсатувчи ушбу табрикнома нафақат Комилжон Отаниёзов номидаги маҳалла аҳолисига, республикамиздаги барча маҳалла фидойиларига бўлган меҳр-муҳаббатлари, эътиборлари рамзидир.

Шундай юксак табаррук эътибор, фазли карам, соҳиби бўлган маҳалла аҳлига, уларнинг сардори Аминбой Абдураҳмоновга беминнат жамоат ишларида омад, барокот тилаб қоламиз.

Расул РАҲМОНОВ.

Комилжон Отаниёзов номли маҳалланинг ҳашар йўли билан барпо этилган девонхонаси.

Болтабой КУРЯЗОВ олган суратлар.

АҚШ

АҚШ маъмурияти ашаддий террорчи деб айблаётган саудиялик Усама бен Ладенни ушлаб бермаётганлиги учун толибонларга нисбатан қўшимча санкциялар қўллаш ҳақида БМТга ўз мактубини тақдим қилган эди. Бу масалада Россия ҳам АҚШни қўллаётган эди. Шу масалага ўз муносабатларини билдириб толибонлар агарда БМТ уларни қўлласа, у ҳолда толибонлар афғон масаласини тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган ҳар қандай музокараларни байкот қилажагини ва мамлакатдаги БМТ ваколатхонасини ёпиб қўйишини маълум қилди.

ТОЖИКИСТОН

Тожикистон чегарачилари дарёнинг у томонида мухолиф томонлар ўртасида янгидан жанглар бошланганлиги туфайли ўз ҳудудида қўшимча чегара пунктлари ташкил этишга ва чегараларини мустаҳкамлашга киришган.

ЭРОН

Гиёҳвандлик масалалари билан шуғулланувчи БМТ экспертларининг маълумотларига кўра Эронда бу касалликка чалинганларнинг сони тобора кўпайиб бормоқда. Гиёҳвандлик асосан мамлакат аҳолисининг деярли 60 фоизини ташкил этувчи21 ёшгача бўлган ёшлар орасида айниқса кенг тарқалган. Ишсизлик, турмушнинг оғирлиги бу иллатнинг бош сабаби деб кўрсатилмоқда. Экспертларнинг ҳисобларича Афғонистон орқали ўтиб жаҳонда тарқалаётган бу оғунинг 85 фоизи Эрон орқали амалга оширилаяпти. Мамлакат полицияси бунинг фақат 20 фоизини қўлга олмоқда холос.

РОССИЯ

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг хабарига кўра аср вабоси деб юритилаётган СПИД касаллиги ҳам кишиларни тобора ўз домига тортмоқда. Европа мамлакатларига нисбатан Россияда бу касаллик деярли икки марта ўсган ва у ҳозир мутахассисларнинг айтишларича эпидемияга айланган. Расман эълон қилинган маълумотга кўра бу касаллик билан оғриган 418 киши касаллик вирусини юқтирган 70 минг бемор аниқланган. Аммо шу масала билан шуғулланувчи В.Покровскийнинг айтишича амалда бу рақам 300-400 мингни ташкил этади, дейилади «Озодлик» радиосининг хабарида.

ПОКИСТОН

Покистоннинг собиқ бош вазири Навоз Шариф қамоқдан озод этилди. Маълумки у ўтган йилнинг октябрида маҳкамага тортилиб 14 йилга озодликдан маҳрум қилинган эди. Оиласи ва қариндошуруғларининг илтимосларига кўра озодликка чиққан Навоз Шариф Саудия Арабистонига бадарга қилинди.

ГРУЗИЯ

Кейинги пайтда одамларни гаровга олиш ҳоллари рўй бераётганлиги туфайли Грузия ўзининг Чеченистон билан бўлган чегараларида қўшинлар сонини оширган. Аммо бу тадбирда Россиянинг қатнашишига мамлакат раҳбарияти рухсат бермаган. Президент Г.Шеварнадзе Абхазия назорати остидаги Кадар дарасида гаровга олинган БМТнинг икки зобитини озод қилиш учун барча чораларни кўраётганини билдирган.

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

МАҲАЛЛАДА ЭКРАН БОР ЭДИ...

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ
Ўзбекистон халқ артисти.

Шукур Бурхон бундан етмиш йил муқаддам Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрига илк бор кириб келганда, машҳур режиссёр Маннон Уйғур унинг қомати, тилидаги талаффуз оҳангларидан ҳайратга тушган эди.

Ўша йилларда бу театрда асосий ролларни машҳур «фожеавий актёр» Аброр Ҳидоятов бажарарди. Шундай бўлса-да, устоз Манон Уйғур халқ орасида севимли бўлиб қолган Мирзакалон Исмоилий пъесасидаги бош рол - Рустам образини бир кечада икки актёр ижро этишини таъминлаб, Шукур Бурхоновни халққа танитган эди. Худди ўша кечада Аброр Ҳидоятов ўз шогирди Шукур Бурхоновни бағрига босиб, томошабинларга: «Мана, бўлғуси катта актёр», деганди.

40-йилларга келиб, Аброр ака «Аваз» номли пъеса ёздилар. Бу қаҳрамонни Шукур Бурхонов моҳирона ижро этди. Драматург Туйғун халқ афсонасига асосланган «Баҳодир» асарини театр жамоасига тақдим этди. Унинг бош қаҳрамонини Шукур Бурхонов ўйнади, унинг юксак ижоди юқори баҳоланиб, ўша йилиёқ у Ўзбекистон халқ артисти унвонига сазовор бўлди. Одатда, бир йўла санъаткорнинг ижодий йўли баҳоланар экан, унга аввал хизмат кўрсатган, кейин эса Халқ артисти деган унвон берилади. Мен санъаткор сифатида бир йўла Халқ артисти унвонига сазовор бўлган икки кишини биламан: бири - Шукур Бурхонов, иккинчиси - Муқимий номли театрнинг атоқли артисти Маҳмуджон Ғофуровдир.

Тарихдан маълумки, Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин Мангуберди Чингиз босқинчиларига қарши шиддатли курашган қаҳрамон. Бизнинг театримиз 40-йиллардаёқ бу буюк қаҳрамонни файласуф шоир Мақсуд Шайхзода асари асосида саҳнада гавдалантирган эди. Шукур Бурхонов Жалолиддин ролида пайдо бўлар экан, унинг қиёфаси кўз олдимизда яққол гавдаланади. Асар бошланишиданоқ халққа қарата айтган сўзлари томошабинни ром этарди:

«Киши туғилмайди бошда тож билан, туғилар эркинликка эҳтиёж билан» дея жангга ўз лашкарларини бошлаганида залдаги томошабинлар баб-баравар оёққа турганларининг гувоҳи бўлганман.

Устоз кўп қиррали санъаткор эди. У халқ қаҳрамонларинигина эмас, турли характердаги ролларни ҳам моҳирлик билан ижро эта оларди. Бунга мен Гоголнинг «Ревизор» асаридаги ҳоким ролини мисол қилгим келади. Ниҳоятда эҳтиёткор, ўз соясидан ҳам қўрқадиган, бошлиқлар олдида тиз чўкишга тайёр лаганбардор бир қиёфа гавдаланган эди.

Бир куни Шукур Бурхонов ёзувчи Ўлмас Умарбеков билан суҳбат чоғида виждон ҳақида бир салобатли асар ёзиб беришини илтимос қилди. Муаллиф буюк актёрга мўлжаллаб «Қиёмат қарз» пъесасини ёзади. Актёр бу қаҳрамонни шундай

севиб ижро этар эдики, гўё Шукур Бурхонов - Сулаймон ота бир-бирлари билан рамзий боғланиб кетгандай бўларди. Чиндан ҳам бу ролни устоз кексайиб қолганида ижро этганиданми, гўё у ўз халқининг севимли актёри сифатида ихлосмандлари олдида қиёмат қарзини узаётгандек туюларди.Шукур Бурхонов бу ролсиз ҳам халқ олдидаги ўз қарзини аллақачон узиб бўлган эди. Зотан биргина Шукур Бурхонов ижросидаги мураккаб образ - Шоҳ Эдип ҳар бир томошабинни ларзага солади.

Шукур Бурхонов театр санъатида машҳур бўлибгина қолмай кино экранларида яратган образлари билан ҳам эсдан қолгандир.

Шукур Бурхонов боғбон ўғли бўлганлиги туфайли Дўрмон томонда боғ яратиб, уни умрининг охиригача парвариш қилди. Ҳар якшанба куни у кишининг ҳовлисида бўлар эдик. «Бой ила хизматчи» Шукур Бурхонов ташаббуси билан қайта саҳналаштириладиган бўлди-ю, ҳовли репетитция «хонаси»га айланди. Шундай кунларнинг бирини эслаб Ўзбекистон халқ артисти Эркин Комилов шундай дейди:

- Биз устознинг ҳовлисида жаннатга киргандек завқланар эдик. Ранг-баранг гулларнинг очилиб, ширин-шакар меваларнинг дарахт шохларида мени енг деб туриши Шукур Бурхоновнинг чинакам боғбон ўғли эканлигидан далолат берарди. Айниқса болалар деярли ҳар куни мактабдан қайтишлари билан қурилишга кўмаклашардилар. Ҳар йили кўклам келиши билан ҳовлига гул ўтқазардик.

Шукур Бурхонов яшаган кўча актёр ҳаётлигида «Садаф» деб аталган, ҳозир Шукур Бурхон номи билан аталади. Устоз ўз маҳалласининг жонкуяр отахони ҳам эди. У болаларни жон-дилидан севар, уларни кўрди дегунча пешонасини силаб, қўлларига нимадир тутқазар эди. Бундан ташқари устоз ўзи яшаган маҳалла идорасига экран қуриб берган ва деярли ҳар ҳафта янги-янги фильмлар кўрсатишга бош қўшар эди. Маҳалла болаларига у совға қилган экранни «Ялангтўш экрани» деб аталиши ҳам шундан бўлса керак.

ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

САМАРҚАНДДА ФАРАНГ ҲИДИ

Самарқанднинг Мустақиллик кўчасида «Брефак» Ўзбекистон - Франция қўшма корхонаси томонидан барпо этилган «Vendome» атир-упа дўкони икки давлат ўртасидаги савдо алоқаларини ривожлантиришда янги қадам бўлди.

Савдо саҳни 500 квадрат метр бўлган савдо марказининг қисқа фурсатда қад кўтаришида «Парвина» кўп тармоқли фирмаси қурувчиларининг хизмати катта бўлди. Самарқандда барпо этилган дўкон республикамизда ўз биносига эга бўлган ягона хизмат нуқтаси ҳисобланади, - дейди қурилишда фаол иштирок этган «Планета ЛТД» корхонаси бошлиғи Рахим Деҳқонов. - Тўғри, «Vendome»нинг Тошкентда иккита савдо нуқтаси бор. У ерда бино учун ижара ҳақи тўлаб фаолият кўрсатилмоқда. Дўкон пештахталари ҳамкорлигимизнинг хушбўй атир-упалари билан тўлиб тошган бўлиб, уларнинг харидорлари кундан-кунга ортмоқда.

Савдо маркази очилишида Франциянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Жак Арре Костис ва «Брефак» қўшма корхонаси директори Эрик Кокини иштирок этиб, Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги савдо-иқтисодий, маданий алоқалар XXI асрда янада юксак поғонага кўтарилишига ишонч билдирдилар.

«Туркистон-пресс».

ТУРФА ОЛАМ

ҲАЛОКАТЧИ ФИЛ

Малайзиянинг шимоли-шарқидаги Келантан штатининг Гуа Мусанг станцияси яқинида поезд ҳалокатининг сабабчиси фил бўлди.

Ҳеч нарсага парво қилмай темирйўлни кесиб ўтаётган бу маҳлуққа катта тезликда келаётган йўловчи поезди келиб урилди. Натижада поезднинг бир нечта вагони издан чиқиб кетди. Маҳаллий темирйўлчиларга кун бўйи бахтсиз ҳайвондан қолган қолдиқларни тозалашга тўғри келди.

ЯРИМ ЛИТР ВАЗИРНИ ХАРОБ ҚИЛДИ

Янги Зеландиянинг соғлиқни сақлаш ва ногиронлик масалалари билан шуғулланувчи вазири Рут Дайсон ишхонасида ярим литр вино ичиб олиб оила машинасини ҳайдаб уйига равона бўлди.

Ҳолбуки такси чақирса ҳам бўларди. Йўлда уни қўққисдан алькагол ичганларни текшираётган инспектр тўхтатди. Маълум бўлишича, вазир нормадагидан икки ҳисса кўп вино ичиб юборган экан. Дайсон шу ернинг ўзидаёқ бош вазир Элен Кларкка қўнғироқ қилиб ундан истеъфога чиқишига рухсат беришини сўради. Бош вазир ноилож бунга рози бўлди. «Яхши эмас, вазирлар ишда ичса, ичганда ҳам кўп миқдорда спиртли ичса», дея афсусланганди Кларк.

Рут Дайсон вазирлик курсисидан ажрагани етмаганидек, у ҳайдаш ҳуқуқидан 6 ойга маҳрум этиладиган, бунинг устига яна уч ойга қамоқ жазосини ўташи ёки ...1,5 доллар жарима тўлайдиган бўлди.

ОЛИМЛАРНИНГ ҲУРМАТИ БАЛАНД

Оддий немислар кимларни кўпроқ ҳурмат қилишади?

Германиядаги Форс социологик тадқиқотлар илмий текшириш институти шу масалани ўрганишга қарор қилди. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, сўраганларнинг 81 фоизи олимларга эҳтиром билдиришган. Шундан кейинги ўринлар қуйидагича тақсимланган: ёзувчилар (65%), рассомлар (54%), театр ва кино артистлари (41%), сиёсатчилар (34%), «поп-музикачилар» (19%).

«ЎЛИК ЖОНЛАР»

Аҳолини рўйхатга олиш бўйича яқинда Туркияда ўтказилган тадбирнинг натижаси ҳар ҳолда дуруст кўринди.

Ҳозир мамлакатда 71,9 миллион киши яшаётган бўлиб, бу кўрсатгич 1997 йилдагидан 9,1 миллион кўп демак. «Ҳуррият» газетасида ёзишича баъзи провинцияларда кутилмаган манзарага дуч келинган. Аниқланишича, уч йил олдин бу ерларда аҳолини камаяётганлиги кузатилган бўлса, ҳозир бу жойларда аҳоли 50 фоизга кўпайганлиги маълум бўлган. Бундай ўсишнинг боиси нимада эканлигига ҳамма ҳайрон. Маълум бўлишича, рўйхатга олишаётганда ходимлар мозорларда тунайдиганлар борми, автобусларда тўхтаб ўтаётганлар борми, хуллас ҳеч қаерда йўқ номларни ҳам қоғозга тиркашаверишган. Бундай қилишнинг боиси шундаки, Туркия қонунларига кўра муниципал ҳокимият ҳудудига келган ҳар бир янги одам учун бюджетига 50 доллардан қўшимча маблағ олади. Аниқланишича, шу тариқа мамлакат бўйича 5 миллионга яқин «ўйдирма» кишилар вужудга келган.

Янгийўл тумани М. Юсупов номли 5-ўрта мактаб томонидан 1997 йилда Шаропов Фозил номига берилган 010411 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

МАҲАЛЛАМДАГИ ГАПЛАР

Интиқлик

Роҳила туман қасалхонаси жонлантириш бўлимида 5 кун ҳушсиз ётди. Кейин бир ойга яқин даволанди. Сўнгра соғлиғи тиклангач, уйга жавоб берилди. Роҳилани қасалхонадан келин бўлиб тушган уйига эмас, болалиги кечган ота-онаси хонадонига олиб келишди.

У келин бўлиб тушган хонадонида атиги уч ойгина яшаган эди холос. Онасининг айтишига қараганда куёв бола ичувчи-чекувчи экан. Роҳила ниҳоятда хаёлпараст ўйчан, ғамгин бўлиб қолганди.

Унинг бу ҳолатини меҳр кўриб кўрмаган, севиб севилмаган аччиқ кунларининг оқибатига йўямиз. У қишлоқ қизлари ичида хушмуомалалиги билан ажралиб турарди. Чиройли қалдирғоч қошлари остидаги қора кўзларида алланечук армон излари бор эди.

У ҳаётга интиқлик билан қарар эди. Хаёлида ўзи орзу қилган ўктам ва садоқатли ёр тимсоли гавдаланарди. Нега, нима учун? Роҳиланинг бахтли бўлишга ҳаққи йўқмиди? У келин бўлиб тушган куниданоқ шу хонадонга меҳр қўйган эди-ку. Ўз жуфти ҳалолининг бир умрлик садоқатли ёри бўлишга аҳд қилган эди-ку. Аччиқ қисмат унинг орзуларини чилпарчин қилиб юборди.

Кутиш

Кечки овқат маҳали. Ҳамма дастурхон атрофига йиғилган. Ош ҳам сузиб келтирилди. Бувининг кайфияти йўқ. Неваралар ҳам бувисининг кайфиятини тушунди шекилли, овқатга қўл уришмади. Буви интиқлик билан кўча дарвозасига тез-тез қараб қўярди.

Шу пайт дарвозадан бобо кўринди. Бувининг чеҳраси ёришиб кетди. Гўё дастурхонга файзу баракот киргандек бўлди. Ҳамма хушкайфият билан овқатга қўл узатишди.

«Мажлис»

Кўча дарвоза очилиб, эри ишдан келганини кўрган аёл қувониб кетди. Қўлидаги папкасини олди-да, стол устига қўйди. Телпагини бошига қўндирди ва пальтосини ечишга ёрдамлашди.

- Мунча ҳаяллаб қолдингиз, дадаси? - секингина сўради аёл.

- Мажлисда эдим - тўнғиллади эр.

- Мажлис ҳам шунча узоқ бўладими? - қўлига сув қуйди аёл. Бугун сиз ёқтирадиган овқат қилган эдим. Совуб қолмасин, тезроқ еб олинг!

Дастурхон солиб эрига парвона бўлди. Эри эса «иштаҳаси» йўқлигини баҳона қилиб овқат емади.

Аёл хўрсинди. Куни билан эрининг ишдан келишини кутди. У хуш кўрадиган таом тайёрлади...

Бир оғиз ширин сўз кутган аёлнинг кўзларида ёш қалқди... Наҳотки, бир ҳафтадан буён мажлис тугамаса, бу қандай «мажлис» бўлди экан-а?

Аёл кўз ёшларини артди, сергакланди...

Тўхтахон РАҲИМОВА.

КУЛГИ ОЛАМИДА НИМА ГАП?

ЮЗ ДАҚИҚА ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ БИЛАН

Халқимиз шу қадар санъатсеварки, бугун беш минг томошабинга мўлжалланган сарой «торлик» қилгандек гўё.

Эл севган қизиқчи Ҳожибой Тожибоев ўзининг «Юз дақиқа кулгу» деб номланган янги дастури билан томошабинларни хушнуд қилди.

Беш минг кишилик томошахонада жой етишмай, зиналарда, бурчак-бурчакларда туриб бўлса-да томоша кўраётган шинавандалар ҳам бўлди.

- Санъат саҳнасига чиққанимга роппа-роса йигирма беш йил тўлди, - деди машҳур қизиқчи ўз мухлисларига «ҳисобот» бериб. - Демак, охирлаб бораётган асримизнинг чорак қисмини санъатсевар халқимиз, мухлисларимиз даврасида ўтказдим. Қай даражада хизмат қилдим, буни мухлисларимиз айтишгани маъқул. Насиб этса, янги асрда Юртимизда тинчлик, фаровонлик ва чинакам санъат равнақ топажак! Соғлом авлод йилида камол топаётган ўғил-қизларимизни қаранг, - дейди у даста-даста гуллар кўтариб чиқишаётган жажжи кичкинтойларга ишора қилиб. - Улар том маънода йигирма биринчи аср одамларидир! Насиб этса, йигирма биринчи аср - ана шу соғлом авлодларимиз асри, ҳақиқий ўзбеклар асри бўлишига ишонаман.

Машҳур санъаткорнинг таржимаи ҳоли албатта, мухлисларини ҳам қизиқтириши табиий. Оталари Шодимурод ака оддий деҳқон, оналари Шаҳринисо ая эса уй бекаси. Улар саккиз нафар фарзандларини элга муносиб қилиб вояга етказмоқдалар. Ҳожибой Тошкент шаҳридаги Санъат институтида таҳсил олиб юрган кезларидаёқ саҳналарни забт эта бошлади. Мана, чорак асрдирки, Ҳожибой ҳозир бўлган давраларда кулги-ю хурсандчилик кайфияти устивор бўлаверади.

Бугун бу муҳташам «Ҳалқлар Дўстлиги» саройи саҳнасида Ҳожибой Тожибоевнинг эллигинчи маротаба чиқиши экан! Шу муносабат билан Шаҳринисо ҳожи она ҳам бир сават гул кўтариб саҳнага кўтарилганларида томошабинларнинг гулдурос қарсаклари саройни тутиб кетди. Онахон дуога қўл очаркан, юртимизга тинчлик, осойишталик тилади.

— Ҳа, омон бўлгур Ҳожибой-а.

- Ажойиб қизиқчининг «Учта қиз узатган инсонлар жаннати бўларкан!» деган ҳангомасини мароқ билан эшитдим, - дейди Уйчи туманидан ташриф буюрган кўп болали она Шоирахон Қамбарова.

- Бойликка ҳирс қўйиш, ҳаётни фақат пул билан ўлчашнинг оқибати қанақа бўлишини Ҳожибой жуда зўр аския қилди, - дейди оқдарёлик меҳмон Ширинжон Байитов. - Юз дақиқа кулавериб, умрим юз йилга узайгандек бўлди!

- Ҳожибой Тожибоевнинг аскияларини такрор-такрор тинглаб-томоша қилсанг ҳам зерикмайсан, - дейди Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган ҳамшира Махсимой Тожиева. - Биз шифокорлар тилида «кулгу - шифо!» деган гап бежиз айтилмаган.

Ҳожибой Тожибоев ўз санъати билан саҳнани «забт» этди! Истеъдодли қизиқчимизнинг кўпдан буён ўйлаган орзуси рўёбга чиққани билан табриклаймиз, - дейди санъатшунос олим Маъмуржон Умаров. - Насиб этса, бундан буён машҳур ҳофизлар сингари қизиқчи санъаткоримиз саҳнада етакчиликни мудом давом эттиришга тилакдошмиз. Томошабинлар кулгудан нафас ростлаган дақиқаларда ёш хушовоз хонандалар Шуҳрат Йўлдошев, Олимжон Мирзаев, Бобур Собировлар дилрабо қўшиқлари билан санъат ихлосмандларини хушнуд этдилар.

Бир бора юракдан кулган кишининг умри қанчага узайиши ҳақида шифокорларнинг фикри барчага маълум. Ҳожибойнинг бири-биридан кулгили дастурлари мудом давом этаверади. Демак, умримиз ҳам шунга монанд узайиб бораверади.

Тўлқин ЭШБЕК,
Азамат ТОИРОВ.

ДОҲОЛАР БИСОТИДАН

Яхши куёви бор, ўғил топди демак, куёви ёмон чиқса, қизини йўқотди демак.

Яхши келинчак! Эрим ҳамиша уйда бўлсин десанг: хушмуомала бўл, фаросатли бўл, сенда бор ақл-фаросатни у бошқа жойдан излаб тополмасин.

Инсон табиати жуда ғалати, давлати қўлидан кетса қайғуради, аммо умри ўтиб кетганига, парво қилмайди.

Ноқобил фарзанддан, муросасиз хотиндан, қайсар хизматкордан, қари уловдан ва нафи тегмайдиган дўстдан манфаат кутманг.

САНЪАТКОРЛАР



Тузувчи Ж. ХОНКЕЛДИЕВ

- Азизим, агар менга турмушга чиқишингизни сўраганимда «ҳа» деб жавоб берармидингиз?

- Агар «ҳа» деб жавоб беришимни аниқ билганингизда мендан бу ҳақда сўрармидингиз?..

Хотин эрига:

- Уят эмасми ахир, рўзғорни акам қилса, уй ҳақини отам тўласа, опаларим кийим-кечак олиб беришса... Йўқ бунақаси кетмайди, нимадир қилиш керак!

- Тўғри айтасан, ўзим ҳам бу пишиқ амакиларингни қандай «эритишни» ўйлаб юргандим...

Ўтган сондаги сканворднинг жавоблари:

Архив, ДЭУ, Миер, Танҳо, Нола, Рашк, Мурч, Сарбон, Шарқ, Аччиқ, Асал, Обуна, Иймон, Мош, Рукн, Шарп, Дутор, Си.

ОБУНА-2001

«МУЛОҚОТ» — XXI АСРДА

Мамлакатимизда мустақиллигимиз эълон қилинган йилдан бошлаб чоп этила бошлаган «Мулоқот» журнали 2001 йилда 10 ёшга тўлади.

Бугун унинг ўн минглаб муштарийлари бор. Журналнинг асосий мақсад ва маслаги инсонийликни эъзозлаш ва келажак уфқларини аниқ кўра билишга интилишдан, унутилиб бораётган ўтмишни жонлантиришдан иборат бўлмоқда. Шу боис мустақиллик ғояларини - миллий ғурур, миллий ифтихор, миллий мафкура ғояларини, тарихимизнинг машҳур ва нодир саҳифаларини ёшларимизга, маънавиятимизга ихлосмандларига етказди. Буюк бобокалонларимиз, бизнинг юртдошларимиз бўлган Шарқу Ғарбда машҳур файласуфлар, алломалар, муҳандислар, муаррихлар, азиз пиру авлиёларнинг ҳаётлари ва аъмоллари ҳақидаги мақолалар ўқувчиларнинг катта қизиқишини тортмоқда. Бугунги кунимиз муаммолари ва келажак учун жонкуярлик ҳам журналнинг асосий мавзуидир. Айниқса, маънавиятимиз ва иқтисодиётимиз муаммолари кўтарилган мақолалар журналхонларимизнинг фикр-мулоҳазаларига сабаб бўлмоқда.

«Мулоқот» журнали халқимиз келажаги, Ватанимиз равнақини кўзда тутган ҳолда ҳар қандай табақа вакиллари билан атрофлича ва чуқур мулоқот қилишга тайёр. Журнал ҳар бир хонадонга тинчлик ва барқарорлик шабадасини, келажакка ишонч, тинчлик, озодлик ва мустақилликка шукроналик руҳини олиб киражак.

«Мулоқот» журналига обуна бўлинг.
Нашр кўрсаткичларимиз:
Якка обуначилар учун - 844,
Ташкилотлар учун - 845.

MAHALLA га
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

обуна бўлиш учун ҳеч қачон ҳали эрта ёки кеч деб ўйламанг.

MAHALLA
Ўзбекистон "МАҲАЛЛА" хайрия жамғармасининг нашри

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:
Шуҳрат ЖАЛИЛОВ
Иброҳим РАҲИМ
Расул РАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Рустам ҚОСИМОВ

Масъул котиб:
Аслиддин БЎРИЕВ

Навбатчи:
Олим БЕГАЛИЕВ

Сахифаловчилар:
А. ЮЛДАШЕВ
С. ХОНКЕЛДИЕВ

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди, офсет усулида босилди.
А-2, 2 босма тобоқ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси, Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г-1037 Топширилди—20.30